

Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!




# МИШОНЧИ

35

1993  
йил  
28 август —  
3 сентябрь  
(128)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси




ГУЛЛА-ЯШНА, МУСТАҚИЛ

ЎЗБЕКИСТОН!



«БУ НЕ БУЮҚ БАХТКИ,  
БУГУНГИ КУНДА  
ДУНЕ ХАРИТАСИДА  
ЎЗБЕКИСТОН  
ДАВЛАТИ  
ПАЙДО БЎЛСА!»

Ислом Каримов





### ҲУРМАТЛИ ВАТАНДОШЛАР!

#### АЗИЗ УРТОҚЛАР ВА ДУСТЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши миллион-миллион меҳнаткашлар номидан Сизни ажойиб сана — Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги билан самимий табриклайди!

Мамлакатимиз учун шодиёнали бўлган шу кунда биз шуни фахр-ифтихор билан таъкидлаймизки, Республика Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг чинакам суверенитет, гражданлик тотувлиги ва иқтисодий фаровонликни таъминлашга қаратилган йўли вақт синовидан ўтган бирдан-бир тўғри йўл бўлди. Шу тўғри йўл мустақиллигимизнинг икки йиллигини биз тинчлик ва хотиржамлик, бардамлик, давлатимизнинг порлоқ истиқболга юксак ишонч руҳида кутиб оляймиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши энг оммавий жамоат ташкилотига бирлашган миллион-миллион меҳнаткашларга Ислон Абдуғаниевич Каримов сўзларини тўла қўллаб-қувватлаётганликлари, ислохотларни ўтказишда ўзларининг ишончли таянч бўлишларини иш билан исботлашга интилаётганликлари учун самимий миннатдорчилик изҳор қилади.

Бу халқ тантаналари кунинда Сизларга, оила аъзоларингизга, дўстларингиз ва яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, улкан бахт-саодат, севимли Ватанимизнинг бахт-истиқболи йўлидаги ишларингизга каттадан-катта муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати



ИСЛОХОТ ВА  
КАСАБА  
УЮШМАСИ

## АСРГА ТАТИГУЛИК ИШЛАР

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ икки йиллик муддати ичида асрга татиғулик улкан ишлар амалга оширилганлигига бутун дунё гувоҳ. Шу қисқа даврда Ўзбекистонимизнинг жаҳонга танилганлиги билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Республикамиз Халқаро Ҳамжамиятига аъзо бўлди, ўнлаб миллатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатди. Булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Хориждагилар сувни кўрмасдан этик ечадиган анойилардан эмас. Улар Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, ер ости ва бошқа табиий бойликларимиз сероблиги, Президентимиз таъкидлаганларидек, республикамиз келажаги буюк давлат эканлигини назарда тутган ҳолда биз билан яқинлашмоқдалар, ҳамкорлик қилишга интилоқдалар. Хозирги бозор иқтисодиёти кийинчиликлари ўткинчи босқичга хос хусусиятлар, холос. Шундай дамларда касаба уюшмалари зиммасига катта масъулият юкланган. Бу вазифани қай даражада удаласак, омманинг касаба уюшмасига нисбатан ишончи, ҳурмат-эътибори шунчалик ортади.

Бу борада Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва тармоқ Марказқўмлари фаоллари билан учрашуви чоғида айтган сўзлари, билдирган фикр-мулоҳазалари муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз касаба уюшмаларининг бугунги имтиҳон, пайтидаги фаолиятига юксак баҳо берди. Фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорлиги самарасини алоҳида қайд этди.

Биз ушбу йўналишда бир мунча тадбирларни рўёбга чиқармоқдамиз. Чунончи, 1992 йилда меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш учун касаба уюшмалари томонидан 400 миллион сўм харажат қилинди. Мана, учинчи йилдирки, вилоят ҳокимлиги билан тузилган Битим асосида ишляпмиз. Унда юқорида тилга олинган мақсадлар назарда тутилган бўлиб, амалга оширилаётган ишларни вақти-вақти билан назорат қилиб туриш йўлга қўйилган. Масалан, июль ойи охирида ўтказилган вилоят касаба уюшмалари фаоллари кенгашида республикамиз президенти И. А. Каримовнинг кўрсатмалари бўйича аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозор иқтисодиёти келтириб чиқараётган муаммоларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимиятлар билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан вазифалар келишиб олинди.

Муҳими шундаки, Ўзбекистонимиз тарихига олтин ҳарфлар билан битиладиган мустақиллигимизнинг икки йиллигида касаба уюшмалари жиддий имтиҳондан ўтдилар, коммунистик фирқага карамликдан қутулдилар, ўз фаолиятларини замон руҳига ва талабига монанд равишда олиб боришга киришдилар. Вилоятимизда Наврўз байрами кунлари 1,5 мингдан ортиқ ногирон, кам даромадли оила, нафақачига касаба уюшмалари томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Май ойида юз берган табиий офатдан зарарланган Уйчи, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Чортоқ, Косонсой туманлари меҳнаткашларига моддий кўмак кўрсатил-

ди. Машраб боғида уюштирилган 60 нафар боланинг суннат тўйи ташкилотчиси ҳам вилоят касаба уюшмалари кенгаши бўлди.

Касаба уюшмалари фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш билан бир қаторда уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳам изчил ҳимоя этмоқда. Кенгаш қошида беғул ҳуқуқий ёрдам хонаси ишлаб турибди. Тушаётган ёзма ва оғзаки аризалар ўз вақтида қараб чиқилади. Ноконуний ишдан бўшатилганлар ўз жойларига тиклаб қўйилмоқда. Қонунсизликка йўл қўйган идора ва ташкилотларнинг раҳбарларига нисбатан тегишли маъмурий жазолар белгиланмоқда.

Инсон саломатлиги — юрт бойлигидир. Бинобарин, аҳоли саломатлигини сақлаш, болалар республикамизга муносиб кишилар бўлиб етиштирилгани таъминлаш, атроф-муҳит мусавволигини сақлаш, физкультура ва спортнинг оммийлигига эришиш масалалари ҳам касаба уюшмалари эътиборида. Вилоят касаба уюшмалари кенгашининг июнь ойида ўтказилган пленуми худди ана шу масалаларни муҳофаза қилди. Унда вилоят меҳнаткашлари саломатлигини сақлаш, атроф-муҳит муҳофазаси ва бу борадаги муаммоларни ҳал этиш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилди. Вилоятимиздаги кўпгина корхона, ташкилот ва муассасалар дам олиш, даволаниш, сифатли овқатланиш ва шунга ўхшаш ижтимоий масалаларни ижобий ҳал этганликлари тўғрисида аксарият ишловчилар қулай меҳнат шaroитига эга бўлди. «Намангангаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 25—23-автокорхона, Наманган аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси бунга мужассам мисол. Утган йили барча турдаги дам олиш ва даволаш масканларида 11560 киши ўз саломатлигини мустаҳкамлашга эришди. Ишдан ажралмаган ҳолда 12 та санаторий-профилакторийда 14266 киши даволанди.

Ёзги мавсум давомида 36 жойда шаҳардан ташқари, 300 дан зиёдрок жойда қатнаб ҳордик чиқарадиган болалар оромгоҳи фаолият кўрсатди. Умуман, бошқа соҳаларни жойларда ташкил этилган дам олиш масканларини қўшиб ҳисобланганда 60 мингдан кўпроқ ўқувчи соғломлаштирилди. 5,4 минг бола ҳордик оромгоҳларида ёзги таътилни мазмунли ўтказдилар.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши билан қўшни Тожикистоннинг Ленинобод федерацияси, Андижон, Фарғона, Қирғизистоннинг Жалолобод ва Ўш вилоятлари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ «Кўксарой» туристлар базасида уюштирилган спартакиада гоёт қизиқарли бўлди. Хуллас, истиқлол берган имкониятлар касаба уюшмалари ўз фаолиятларини янада авж олдиришлари, тарихий вазифаларни муваффақиятли адо этишлари учун зарур шарт-шaroит яратмоқдаки, бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ҳабибулло АБДУРАҲИМОВ,  
Наманган вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси.

### Хабарлар мағзи



#### ● УЗБЕКИСТОН


Президенти Ислон Каримов ғалла, гўшт, сўт маҳсулотлари тўғрисида музокаралар олиб бориш ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўйича Қозоғистон республикасига борди.

● ГАЗЕТА ва журналлар фаолиятини такомиллаштириш, даврий нашрларни чиқариш ва тарқатиш шунингдек бозор муносабатларига ўтиш шaroитида журналистларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда уларга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида» фармон чиқарди.

● «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги арафасида Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобини босиб чиқарди.

● ЖИЗЗАХ вилоятининг Пахтакор шаҳрида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

● ФАРҒОНА, Андижон, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликларида Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси олдидан халқ депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Учрашувларда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Олий Кенгаш Раисининг ўринбосарлари Б. Бўғров, Э. Ҳалилов сўзга чиқдилар.



**МАМЛАКАТИМИЗ** мустақиллигининг икки йиллик байрами арафасида ҳаёлимдан кўп нарсалар кечди. Бугунги ёруғ кунларни орзу қилган юртдошларимни эсладим. Пешонам арқираб мустақиллик меваларидан татиб кўриши насиб этганлигига минг бор шўкроналар айтдим. Эрк ва озодлик сари ёруғ йўл солган, хуржларга кўксини қалқон қилиб халқни буюк келажак сари дадил бошлаган Президентимиздек довурак, элпарвар йўлларимиз борлигидан қалбим ифтихор туйғуларига тўлди.

## ШУКРОНАЛИК


Бугунги нотинч замонда безавол, осойишта кечаётган ҳар бир кунимиз учун биз энг аввало юртбошимиздан миннатдор-миз. Ислоҳ Абдугани йўлининг фақат ўз юрти ва халқи тинчлигини эмас, айни пайтда кўшини мамлакатлар, қолаверса бутун дунё осойишталигини йўлаб қилаётган савий-ҳаракатларини ҳар бир фуқаро юксак қадрлайпти. Бу йўлда Аллоҳ мададкор бўлсин.

Тинчлик нақадар буюк неъмат эканлигини мен каби кексалар яхши билишади. Уруш йилларининг қоронғу тунларини ёруғ кунларга улаб жангчилар учун иссиқ кийим-бош тикканларим, норасида болаларим учун бир бурда нон излаб дўконма-дўкон зир югурганларим, сув келса симириб, тош келса кемирган кезларим кўз йўнгимдан нари кетгани йўқ. У кунлар қайта ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Бугунги осойишта ҳаётимизни ёмон кўздан асрасин.

Бахтимиз бор экан, етти фарзандни вояга етказиб, илмлик қилиб эл-юртга қўйдик. Болаларимнинг отаси Миромил доллани бутун Тошкент танирди. У киши умр бўйи ёшларга илм бердилар, эл ўртасида маърифат тарқатдилар. Шу меҳнатлари эвзига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, деган фахрий унвонга сазовор бўлдилар. Минг афсуски, фарзандларининг бугунги бахту иқболини кўролмай кетдилар...

Ҳозир мендек бахтли она йўқ. Ҳамма фарзандларим уйли-жойли, эл хизматига тайёр инсонлар бўлиб етишган. Тўнғич фарзандим Раънохон Тошкентнинг таниқли шифокорларидан бири. Уғилларим Дилшод физика-математика фанлари номзоди, доцент, Тўлқинжон техника фанлари доктори, профессор, Тошкент кимё технология институтининг ректори. Яқинда халқаро олийгоҳлар Фанлар академиясининг академиги этиб сайланди. Шавкат, Эркин, Шухрат ҳам олим. Тошкент олийгоҳларида ёшларга билим бермоқдалар. Кенжаотим Темура бўлса муҳандис. «Юлдуз» тикувчилик шиллаб чиқариши бирлашмасида меҳнат қилапти. Келинларим ҳам ўғилларимга муносиб. Уларнинг тўрт нафари фан номзоди, доцент, икки нафари эса олий маълумотли шифокор.

Ҳамма фарзандларим шу юрт бағрида қамол топаётганлигидан, катта хонадоним невараларим билан ҳаммиша гав-жумлигидан, эшигимиз дўстларга доимо очиқлигидан бахтиёрман. Шу кунларга етганимга шукур қиламан.



Мустақиллик байрами арафасида, саксон ёшга тўлган куним яна бир эваралик бўлдим. Бу ўн олтинчиси. Қувончимизга қувонч қўшилди. Янги меҳмонга яхши ният ва умидлар билан Ислоҳ деб ном қўйдик. Шу эварам ҳам эл бошини қовуштирувчи, юртлараро дўстлик уруғини сепувчи пок ниятли инсон бўлиб етишсин деган орзунини дилга тугиб Президентимизнинг муборак исмларини танладим.

Биласиз, оналар барча инсонларга ўз фарзандларидек меҳр билан боқадилар. Меҳри дарёлик шундан бўлса ажаб эмас. Ҳар гал телевизор орқали Президентимизни кўрганымда, доно сўзларини эшитганимда оналик қалбим жўшиб кетади. Беихтиёр қўл очиб юртимиз бахтига дунё тургунча туринг, мустақиллик меваларини ўз халқингиз билан бирга баҳам кўринг, дея дуо қиламан.

Мустақил юрт фарзандлари Президентнинг мадади ва савий-ҳаракатлари билан олам танимоқдалар, орзулари қаноатланиб баланд-баландларга парвоз этмоқдалар. Уғлим Тўлқинжон яқинда Анқарада бўлиб ўтган турк дунёси олийгоҳлари ректорларининг кенгашида иштирок этди. Унинг турк тилида сўзлаган маърузасини қардошларимиз телевидение орқали бизга кўрсатдилар. Уғлимнинг чеҳрасини кўриб, катта даврадаги сўзларини эшитиб бошим кўкларга етди. Бу ҳам мустақиллик меваси дея қалбим яйраб кетди. Фарзандларимизнинг ўсиб улгайиши, қамол топиши учун ҳамма шароитларни яратиб бераётган Президентимиздан мен каби барча оналар беҳад миннатдордирлар. Ишончим комилки, менинг ўғил-қизларим эл қатори юрт мустақиллигини мустаҳкамлашга, Ўзбекистонни гуллаб-яшнаган дийёрга айлантиришга бундан буюк ҳам ўз ҳиссаларини қўшаверадиладар. Президентимиз қўяётган вазифаларни бажаришда камар-баста бўладилар.

Она юртининг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас, деган кексаларнинг гапи бор. Она юртимиз ҳам, юртбошимиз ҳам ҳаммиша омон бўлсин. Элимиз бошига қўнган бахт қуши бир умр ўзимиз билан бирга қолсин.

Президентимизни, барча юртдошларимни Мустақиллик байрами билан табриклар, элимизга тинчлик-омонлик, рўзгоримизга қут-барака тилаб қоламан.

Фароғат ая **МИРКОМИЛОВА**,  
кўп болали она,  
Тошкент шаҳри.

## МУНОСИБ ҲОЗИРЛИК

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақиллигининг икки йиллик тўйини фарғоналиклар ҳам ўзига хос кўтаринки руҳ билан кутиб олишмоқда. Байрам муносибати билан вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида ўтказилаётган тайёргарликлар бунга ёрқин мисолдир.

Фарғона шаҳридаги барча маҳаллаларда «Энг намунали оила номи учун» кўриги ўтказилмоқда. Ғолибларга байрам кунини катта пул мукофотлари берилади.

Байрам муносибати билан август ойи шаҳарда «Меҳр-муҳаббат ойи» деб эълон қилинди. Барча иш жойларида «Инсонга меҳрибонлик — юксак олижаноблик» шиори остида эҳтиёжманд кексаларни, ногиронларни, кам таъминланган оилаларни ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар ўтказилди. Бунинг учун барча ташкилотларда махсус хайрия жамғармалари тuzилиб, уларда ишловчи, ишлаб кетган ночор оилаларга, оталиқ ҳудудда яшовчи муҳтожларга, болаликдан ногирон, ёлғиз кишиларга моддий ва маънавий ёрдам уюштирилмоқда. Август ойида шаҳар ойнаи жаҳонда ўтказилган хайрия телемарафонидан тушган маблағлар ҳам айнаи шу мақсадлар учун сарфланди.

Охунбобоев туманидаги 600 эҳтиёжманд оилага ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Рамазон ва Қурбон хайитлари арафасида бепул озиқ-овқат маҳсулотлари берилганди. Мустақиллик кунини да минг оила ана шундай эъзозга сазовор бўлишди. Йил бошидан бу ерда 66 нафар етим боланинг суннат тўйи ўтказилди. Уларнинг ҳар бирига очилган омонат дафтарчаларидаги пуллар улар вояга етишганда 1 миллион 700 минг сўм бўлади.

Туман газетаси учун қурилган босмахона калити ҳам 1 сентябр кунини фойдаланишга топширилади. Туман марказидан Марғилон шаҳрига ча янги асфальт йўл қурилди. Агросаноат банки ва ички ишлар бўлими учун янги бинолар, 3 та мактаб, Эшонгузардаги 50 ўринли болалар боғчаси, А. Раҳмонов номи жамоа ҳужалиги ҳудудидаги янги дорихона охунбобоевликлар учун муносиб байрам совғаларидир.

Охунбобоев тумани халқ талантларининг «Меҳригиё» жамоаси ўз дастурлари билан Республика мустақиллигининг 2 йиллик тантаналарида пойтахтимиз Тошкентда қатнашди.

Байрам тантаналари Бағдод туманида ҳам ўзига хос кутиб олишмоқда. «Энг яхши маҳалла» кўрик танловининг ғолиби Мустақиллик кунини 50000 сўм мукофот олади. Байрамга атаб туман кубоги учун ўтказилаётган футбол мусобақаларида 26 жамоа қатнашмоқда. Ғолибларни 150000, 75000 ва 35000 сўмлик мукофотлар кутмоқда. Туманда байрам олдидан 40 миллион сўмлик ободончилик ишлари амалга оширилди.

Адҳам **ДАМИНОВ**,  
«Ишонч» мухбири.

## КУЙ-ҚУШИҚЛАРДА — МУСТАҚИЛЛИК

● **ВИЛОЯТ** маданият ва санъати ходимлари истиқлол кунига пухта тараддуд кўрдилар. Чунки деярли барча тармоқларнинг меҳнаткашлари, барча аҳоли мустақиллик байрамини нишонлаган кунларда улар аҳоли хизматида — ишда бўладилар. Элдошларимизни ўзларининг санъати, маҳорати, ижро услублари билан мамнун этадилар.

Дастлаб шуни айтиш керакки, вилоятда мустақиллик кунини шарафига маданият ва санъат икки ойлиги ўтказилди. Унинг ғолиблари мустақиллик байрами кунини ўтказилаётган тадбирларда ўз санъатларини намойиш этадилар.

Байрам кунларида Огаҳий номидаги вилоят театрида катта томошалар ўтказилади. «Мустақиллик одимлари» мавзусида ижодкорлар билан учрашувлар, хайрия кечаси ўтказиш режалаштирилган.

К. Отаниёзов номидаги вилоят филармонияси жамоаси мазкур концерт галереясида, Хивадаги «Ичон-қалъа» музей кўриқхонасида кўргазмалар ташкил этилди. Хуллас, вилоятда мустақиллик кунини кенг нишонлаш учун барча ишлар қилинди. Куй-қушиқлар янада баланд пардаларда ижро этилиб муборак байрам кўтаринки нишонланади.

Шихназар **АҲМЕДОВ**,  
«Ишонч» мухбири.

## НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЪЕЗД

ЎЗБЕКИСТОН қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба уюшмаси республика кўмитаси тармоқ касаба уюшмаларининг навбатдан ташқари съезди бўлиб ўтди.

Съезд Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг сиёсий барқарорлик, граждандлик ва миллий тотувликни таъминлаш, иқтисодий ислохот ўтказишнинг беш принципини амалга ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг янги шақл ва усулларини сифат жиҳатидан яхшилаш ва нарх-наволарни эркинлаштиришга қаратилган йўл-йўриқларини тўла маъқуллади ва қўллаб-қувватлади. Шунингдек, бу борда тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Низомининг қабул қилиниши ва қайта рўйхатдан ўтказилиши муносибати билан съезд касаба уюшмалари туман кўмиталари бешинчи ййғилиши Низомга киритган ўзгаришлар ҳамда кўшимчаларни тасдиқлади.



Съездда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба уюшмалари Халқаро Конфедерациясининг раиси Г. Д. Аржанов, ҳужалик ташкилотлари раҳбарлари иштирок этишди ва сўзга чиқиди.

Б. АҲМЕДОВ.

## МУАЛЛИМЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ


● **ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ** истиқлолнинг икки йиллиги тўйи арафасида ўқитувчиларга катта байрам туҳфаси ҳада этилди. Наманган шаҳридаги 42 нафар халқ таълими ходимига янги турар-жойларнинг қалитлари топширилди. Оромгоҳ мавзеидаги

мазкур уйларнинг ҳовли саҳни 6 сотихдан иборат бўлиб, парранда ва чорва молларини боқиш мумкин. Иморатларни Наманган уйсозлик комбинати жамоаси бунёд этди. Уларга қўчиб кирганлар ҳозирча қурилиш учун

кетган харажатнинг атиги 10 фоизинигина тўлайдилар. Қолган қисми узоқ йиллик муддатда узилади.

Уйларингиз буюрсин, азиз устозлар!

«Ишонч» мухбири.



## ИСТАКЛАР

**Рўзихон АБДУЛЛАЕВА.**  
Андижон трикотаж ишлаб  
чиқариш бирлашмаси  
касаба уюшмаси раиси.

**МУСТАҚИЛЛИК** бизга энг аввало ҳар ким ўз бойлигига эга бўлиш ҳуқуқини берди. Пахтамизни ўзимиз хоҳлаган нархда сотиш имкониятини қўлга киритдик. Демакки, корхоналаримиз иши ҳам яхшилана боради.

Ҳозир корхонамиз 80 турдан кўпроқ маҳсулот чиқаради. Талабдорларимиз кўп. Ишинг юришиб тургандан кейин, кўнглинг ҳам тинч бўлар экан. Кўндан буён кўнглимизга тушган орзулар ҳақида, уларни рўйбегга чиқариш йўллари тўғрисида ўйлай бошладик. Дастлаб аксарияти аёллардан ташкил топган бирлашмамизга олти соатлик иш кўни зарур деб ўйлагандик. Чунки аёл оиласи, болалари даврасида бўлишга қанча кўп вақт топса, жамиятдаги осудалик, тараққиёт шунча яхши изга тушади. Лекин маошимиз камайгани йўқ. Ҳар кўни олти соатдан ишлаётган аёлларимизнинг фарзандлари тарбияланаётган боғчалар қарийб бепул. Тушлик учун берилаётган пулни болалар ўйинчоқларига деб атадик-да, ишчиларнинг тушлик овқатини мутлақо текин қилиб қўйдик.

Корхона касаба уюшмаси билан маъмурият ўртасидаги ижтимоий ҳимоя битимлари доим амалга ошаётгани сабабли ишчиларимизнинг касаба уюшмасига ишончи ҳам ортиб бормоқда.

Жуда кўп орзуларимиз рўйбегга берган бу муқаддас байрамни катта тайёргарлик кўриш билан ўтказмоқдамиз. Байрам мукофотлари, байрам совгалари ҳам тайёрлаб қўйдик. Серфарзанд, камҳарж оилаларга катта-катта тўғналар бериш кўнглимиз бор. Турли кўрик-танловлар, базмлар, сайллар уюштирамиз.

● **ТОШКЕНТ** вилоятининг ҳушхаво Бўстонлик тоғлари бағрида «Оқтош» санаторийси бор эди. Бундан олти йил олдин ишга туширилган бу маскан бугунги кун талабига жавоб бермай қолди. Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қарорига биноан санаторий тубдан қайта таъмирланди. Замонавий тиббиёт ускуналари ўрнатилди. Хоналарда барча қулайликлар, яратилиб, ҳар бирида бир-икки киши дам олиб, даволаниши учун имконият яратилди. Ҳовлига тўғлар, мевали дарахтлар экилиб, чиройли хиёбонлар ташкил этилди. Айтишларича, Оқтош қиш-

## БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ — ТАЯНЧИМИЗ

БУГУНГИ шиддатли кунларимизнинг ўзи бир тарих. Ўзбекистон мустақиллигини дунёга кўз-кўзлаш, юртимизни тараққий этган давлатлар сафига кўшиш шу тупроқда истиқомат этаётган ҳар бир кишидан чинакам фидойиликни, меҳр-муҳаббат ва ихлос билан тер тўкиб ишлашни талаб қилади. Илғорлар сафини кенгайтириш, ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш, дунё бозорига йўл олиш саъй-ҳаракатлари эса бу ишларнинг негизидир.

Ҳозирда етакчи ўринлардан бирини эгаллаган Ўрта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмасида амалга оширилаётган ибратли ишлар диққатга сазовордир. Бирлашмада олиб борилаётган ишлар, касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида яқиндан танишиш, ютуқ ва тажрибаларни ўртоқлашиш мақсадида яқинда кўчма семинар кенгаши бўлиб ўтди.

Ўрта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Т. Маҳкамов семинар-кенгаши иштирокчиларига ўз жамоаси эришган ютуқ ва муваффақиятлар ҳақида батафсил гапириб жумладан шундай деди:

— Ишчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан тўғри баҳолаш орқали бугунги муваффақиятга эришидик. Жамоамизда ишчи ва хизматчилар меҳнатини муҳофаза этиш—бош масала ҳисобланади. Уларнинг кўп миллатли оиласидаги ўзаро ҳамжихатлиқни асраш ҳам асосий бурчимиздир. Ҳозир бирлашманинг ўз иқтисодий йўли бор, ўз валютаси бор. 360 ўринли беш юлдузли меҳмонхона қурилишини бошлаганмиз. Ишчиларнинг энг кам маоши 16,000 сўмни ташкил этган ҳолда, юз минг сўмгача ҳам олишади. Бирлашмада Германия, Исроил, Америка, Туркия сингари йирик давлатлар билан ўзаро алоқани йўлга қўйганимиз ҳам муваффақиятга эришувимизда кўл келаетир. Бугун бирлашмадаги ҳаёт билан танишинг, тасаввур ҳосил қиласиз...

Семинар-кенгашида Ўрта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси раиси И. Розиков меҳнаткашларни социал ҳимоя қилиш

борасидаги ишлар ҳақида иштирокчиларга сўзлаб берди.

— Бирлашманинг ютуғи шундаки, ҳамма миллат вакили бир оила аъзосидай бўлиб кетишган,— деди у.— Ишдан бўшаш ҳоллари жуда кам, четдан ишчи олиш ҳам шу тарзда. Чунки биздаги ҳар би киши шу корхонага меҳр қўйган. Бирлашма ишчиларни уй-жой билан таъминлайди, шу йилнинг ўзига 200 нафар ишчи турар-жойга эга бўлди. Меҳнаткашларнинг унумли меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Уруш ва меҳнат ветерандарига, кўп болали, кам даромадли оилаларга алоҳида имтиёзлар яратганмиз. Болалар боғчаси, соғломлаштириш лагери, санаторий-профилакторий, клублар меҳнаткашлар ихтиёрида.

Шунингдек семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши раисининг муовини З. Қодиров, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудирни Х. Жалолов, инсонпарварлик муаммолари ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоялаш бўлими маслаҳатчиси М. Мирҳабивовлар ҳам сўзга чиқиб бугунги ечими ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалалар тўғрисида тўхталдилар.

Семинар иштирокчилари «Вертикаль» кабель ишлаб чиқариш цехидаги иш жараёни билан танишдилар. Ишчилар учун яратилган қулай дам олиш ва овқатланиш хоналарини кўрдилар. Бу ердаги соғломлаштириш ва хотин-қизларнинг манфаатини кўзлаб амалга оширилган ишлар барчага манзур бўлди.

Семинар иштирокчилари бирлашманинг маданият саройи, стадион, мактаб ва болалар боғчаларида бўлишди. Бирлашма ҳаётини акс эттирувчи кинофильмни томоша қилишди.

Кўчма семинар кенгашида республика касаба уюшмалари кенгашилари корхоналарининг база касаба уюшмалари кўмиталари раислари иштирок этишди. Улар бундай семинарларни кўпроқ ўтказиш самарали эканлигини таъкидлашди.

Норинисо ҚОСИМОВА,  
«Ишонч» мухбири.



Суратларда: Семинар иштирокчилари Ўрта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмасида.

Аҳмад ДАВРОН олган суратлар.

## ДАВОЛАНИБ, ОРОМ ОЛИНГ...

логига, айниқса ушбу санаторийга келган беморларга дори-дармоннинг зарурати йўқ. Эфир мойларига бой оби-ҳавоси, дарахтзорлари-ю тоза сувининг ўзи нафас йўли касалликларини учун ниҳоятда шифобахшдир.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 2 йиллиги байрами арафасида ана шу санаторий фойдаланишга топширилди. Ҳозирча 100 ўринга эга бўлган роҳатхон келгуси йили 250 ўринга етказилади.

Санаторий очилиши маросимида Ўзбекистон касаба

уюшмалари федерацияси кенгаши раиси муовини М. М. Тўлаганова иштирок этди.

● **КУНИ КЕЧА** Қашқадарё вилоятининг гўзал Шаҳрисабз туманидаги Мироқи қишлоғида яна бир санаторий фойдаланишга топширилди. Тоғ ён бағрида ва Ҳисор сув омбори ёнида жойлашган бу санаторийда нафас йўллари ва асаб касалликларини даволаш мумкин. «Ўзбекистон сув қурилиши» Концерни бепул совға қилган бу кўкаламзор манзилни таъмирлаш, бинолар қуриш, замонавий тиб-

биёт аппаратлари ва жиҳозлар сотиб олишга касаба уюшмалари бир миллиард сўмга яқин пул ҳаражат қилди. Энди маҳаллий меҳнаткаш халқ ва қўшни Сурхон водийси аҳолиси бу ерда даволаниб ором олиши мумкин.

Санаторийни фойдаланишга топшириш маросимида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов, Республика санаторий-курортлар бирлашмаси бош директори Х. Ш. Маҳмудов ҳамда Қашқадарё вилояти ҳоқими Т. Хидиров иштирок этдилар.

Санъат МАҲМУДОВА,  
«Ишонч» мухбири.

● **АСЛИДА**, Наманганда ҳар бир байрам кизгин нишонланади. Республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги тўйига ҳар бир идора, меҳнат жамоаси учун алоҳида тадбир ишлаб чиқиб шунга асосан ҳозирлик қўрди. Шу муносабат билан муҳбиримиз шаҳардаги халққа хизмат кўрсатувчи тармоқ раҳбарлари билан сўзбатлашди.

Рустамжон РАҲМАТОВ, Наманган умумий овқатланиш трестининг бошқарувчиси:

— Дарҳақиқат, биринчи сентябрь ўзбек халқининг энг улуғ байрами. Республикамизнинг еридан, сувидан, ҳавосидан фойдаланиб келган ҳар бир фуқаро бу кўни чинакамига хурсандчилик билан нишонлайди. Биз хизмат кўрсатиш сифатини юқори даражага кўтаришни, ўзини таяёрлайдиган маҳсулотлар турини такомиллаштиришни назарда тутганмиз. Аввало, умумий овқатланиш тармоқларимиз намунали ишлайди. Миллий таомлар кўпроқ пиширилади. Шу билан бир қаторда аҳоли зич йиғиладиган Машраб, Бобур номидаги истирохат боғларида кўча ошхоналар фаолият кўрсатади.

АҲОЛИ  
ДАСТУРХОНИГА

Дастурхонимизни безатадиган қандолатчилик ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар хили ортади. Ташкил этиладиган кўргазмаларда турли-туман тортлар пиширилиб, пазандаларимиз ўз санъатларини намойиш қиладилар. Шунингдек, қолипчилик нон ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди. Мавжуд 15 цехимизда ҳар хил ҳажмдаги, чиройли шаклдаги патир нонлар, оби нонлар тайёрланади. Салқин ичимликлар сотувга қўйилади.

Ёқубжон ЮСУПОВ, сўт комбинати бош муҳандиси:

— Тўйга муносиб тўёна билан бориш халқимизнинг азалий удуми. Энг аввало, меҳнат жамоамиз республикамиз мустақиллигининг 2 йиллигига муносиб совға тайёрлади. Барча кўрсаткичлар бўйича 8 ойлик режа бажарилди. Биз вилоятимиз меҳнаткашларининг байрам дастурхонини бойитиш учун янгидан тўрт хил қўртоба, қолбасасимон пишлоқ, ёш болалар учун маҳсус сўт ва ёғсиз парҳез сўзма ишлаб чиқаришни бошладик. Шу тариқа маҳсулотимиз турини 24 тага етказдик. Бу маҳсулотларнинг бари байрам кўни Наманган шаҳри ва вилоят марказларида ташкил этиладиган кўргазмаларда сотилади.


Мана, бир неча йилдирки, комбинатимизга қарашли фирма дўкони ишлаб турибди. Мазкур савдо шаҳобчамизда ҳар кўни эрта тонгдан комбинатимизда тайёрланадиган энг янги маҳсулотлар пештахтага қўйилади. Яқиндан бошлаб бу ерда музқаймоқ савдоси йўлга қўйилди. Ўзбекистонимиз истиқлоли шарофига ўтказилган шанбалиқдан тушган маблағнинг катта қисмини комбинатимизда узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан кишиларни, беморларни ва ногиронларни зиёрат қилиш, совғасаломлар тақдим этиш учун ҳаракат қилинади.

Раҳмонжон ТОҶИБОЕВ, нон комбинати директорининг ўринбосари:

— Комбинатимизга қарашли 20 нововйхона юқори унум билан ишлайди. Оби нонлар савдоси ташкил этилади. Катта байрам арафасида янгидан 3 хил маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ширин қаламча, кичикинтойлар учун аталган маҳсус сўхари, юмалоқ нон шулар жумласига киради.

Булардан ташқари, пазандачилик ва қандолатчилик маҳсулотлари хилма-хиллигини орттириш чорасини кўряпмиз. Аҳоли севиб истеъмол қиладиган турли патир нонлар, ҳар хил ширинликлар одатдагидан кўра кўпроқ тайёрланади. Ишончимиз комилки, ҳамшаҳарларимиз дастурхони байрам кўни ҳар қачонгидан ҳам файзли бўлади.

«Ишонч» мухбири.



## БИРЛАШГАН ЎЗАР

ТУРКИЯ республикасининг «Ластик Иш» касаба уюшмаси Бош котиби Жалол Кичик ҳамда шу уюшма кенгаши аъзоси Туркер Озикли ўртоқлар яқинда Ўзбекистон кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасида меҳмон бўлишди. Учрашувда ҳар иккала томон ўртасида ҳамкорлик Битими имзоланди. Битимни «Ластик Иш» касаба уюшмаси Бош котиби Жалол Кичик ва Ўзбекистон

кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Н. Т. Қосимов ўртоқлар имзоладилар. Битимга асосан бир-бирларининг тажрибаларини ўрганиш ва уни амалда қўллашга, ўқув ва илмий марказлари билан ҳамкорлик қилишга, соғломлаштириш муассасаларини қуриш ва таъмирлашга молия-тижорат фаолияти соҳасида ўзаро ёрдам беришга келишиб олдилар.

Меҳмонларни Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши Б. А. Алламуродов қабул қилди ва уларнинг саволларига жавоб берди.

Ҳа, халқимизда «Бирлашган ўзар...» деган мақол бор. Бир-бирдан ўрганиб-ўргатиб ишлаш ва қийин вақтда ўзаро ёрдам беришнинг яхши хосияти бор.

Суратда: учрашув лаҳзалари.



Товбой ЭСИРГАП ўғли,  
Жиззах вилояти,  
Галлаорол шаҳар  
Кенгаши ижроия кўмитаси  
котиби:

1991 йил 31 август куни менга миллат ва Ватанини танитиш, тарихимни қайтариб берди. Мен олий маълумотли, деган дипломим бўлсада, ҳали саводим етарли эмаслигини англаб етдим. Чунки менинг маълумотим иттифоқ деб ниқобланган империя мақсадларига мосланган, миллатим, ўз юртимга хизмат қилишим учун ҳаммасини қайтадан бошлашим керак эди.

## ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАДИК

Мустақилликнинг энг катта ютуғи ва устун томони шундаки, у тинч йўл билан амалга ошди.

Мустақиллик динимизни, тилимизни қайтариб берди. Кам қонли ҳомилдор аёллар бепул озик-овқат билан таъминланмоқда. Уқитувчилар, врачлар, ижодкорлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат ногиронлари, боқувчисини йўқотганлар ўзлари яшаб турган давлатга қарашли уйлари бепул шахсий мулк қилиб олдилар. Бундай имтиёزلарни яна давом эттириш мумкин.

Ҳамма нарса секинлик билан бўлсада, ўзимизни миллий ўзганга қайтмоқда. Ўзимизнинг қайтариб олган Наврўз, Рамазон, Қурбон ҳайити байрамларида ҳамма томон осойишта, одамлар хушёр, шоду-хуррам эди. Мустақиллик кунинда ҳам ана шу миллий, тарихий йўлимиздан кетсак, ҳамма қувонади.

## ЯНГИ ДАСТУР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН-ДАГИ энг кенжа туман — Эллиққалъадаги маданият уйи қошида биринчи марта дорбозлар гуруҳи ташкил этилди. Махсус маълумотга ва малакага эга бўлган Гофур Жуманиёзов раҳбарлигидаги санъаткорлар дастаси Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг икки йиллик байрами шарафига янги дастур ҳозирлаб, дастлабки томошаларни намойиш этишди. Туман ҳокимлиги ва маданият ишлари бўлими дорбозларнинг байрамолди махсус дастур тайёрлашида яқиндан кўмаклашди. Маҳаллий дорбозлар эндиликда туман овулларида бўлиб, маҳоратларини меҳнаткашлар ҳузуринда намойиш қилишади.

«Ишонч» муҳбири.

## ИШЧИННИНГ ҚЎЛЛАРИ БУНЁДҚОР

ЎЗБЕКISTON индустриясининг тўнғичларидан бири бўлган, олти йилдан ортиқ вақтдан буён пахта етиштириш, унинг ҳосилини йиғиб-териб олишни механизациялаш ишига хизмат қилиб келаётган корхона йилга 10 мингтагача машина ишлаб чиқариш қувватига эга. Дастлаб бозор иктисодиётига ўтиш шароитларида ҳамма қатори кийинчиларга дуч келдик. Бу аҳволни тез фаҳмлаган корхона раҳбарияти касаба уюшмалари кўмиталари билан биргаликда тангликдан чиқиб олишнинг дастурини тайёрлади. Мазкур дастурда ишлаб чиқаришнинг катта қисмини пахта териш машиналари билан бир қаторда уларнинг эҳтиёт қисмларини ҳамда халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришга мослаштириш, барча сарф-харажатларни қатъий тежаб-тергаш, бошқарув тизимини ўзгартириш, барча бўш маъмурий-техник лавозим ўринларини қисқартириш назарда тутилди. Бу орадан бир йил ўтмасданок ўзининг ижобий самараларини берди. Биринчидан, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг янги турларини фаол излаш ва ўзлаштиришни йўлга қўйиш орқали ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетишининг олди олинди. Иккинчидан, моддий ва ёнилғи ресурсларини муайян даражада иктисод қилиб қолишни таъминлашга эришилди. Учунчидан, корхонанинг малакали ишчилари ва муҳандис кадрлар сақлаб қолинди. Микдорни қисқартириш кўнимсизлар ва нафақа ёшига етган айрим ходимларни бўшатиш ҳисобига амалга оширилди.

Бугунги кунда корхонада амалда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилмаётган цехнинг ўзи йўқ.

Демак, бирлашма бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ўстириш борини бирлашма ходимларининг иш ҳақини катта микдорда ошириш имкониятини беради. Ҳозирги шароитда эришилган натижа билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам айни пайтда бирлашма жамоаси техник жиҳатлари оширилган янги «ХМ-01» пахта териш машинасини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш устида иш олиб бораётир. Бу машинага талаб ўзимизнинг ички ва шунингдек ташқи бозорда катта бўлиши турган гап. Бундан ташқари Исроил билан ҳамкорликда яна муқаммал пахта териш машинаси ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этиш назарда тутиляпти. Шу билан бирга чорва моллари озука экнларини ўрайдиган комбайнларни лойиҳалаштириш ишлари олиб борилаётир.

Бизнинг ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитаси катта кийинчиларга, фикрлар турли хил бўлишига қарамай собитқадам йўлдан бораётир. Аввало кишиларга мушкул вазиятдан чиқиб олишнинг икки йўли борлиги тушунтирилди.

Биринчи йўл — ижтимоий базани қисқартириш ва ундан бўшаган маблағни меҳнат ҳақини оширишга йўналтириш. Иккинчи йўл — ҳар қандай шароитда ҳам ижтимоий-маданий хиз-

мат кўрсатиш соҳалари фаолият кўрсатишини сақлаб қолишга эришиш. Улар бизда оз эмас: 5 та мактабгача бўлган муассаса, 6 та ёшлар ётоқхонаси, катта уй-жой фонди, тиббий хизмат кўрсатиш қисми, санаторий-профилакторий, Чимён тоғида болаларнинг соғломлаштириш оромгоҳи, Исикқўлда пансионат, завод ҳудудида йирик савдо маркази ва бошқа объектлар мавжуд.

Эндиликда биз жамоа шартномасида мустақамлаб қўйилган ижтимоий соҳадаги имтиёزلарни сақлаб қолиб тўғри йўл тутганимизга тўла ишонч ҳосил қилаёلمиз. Машинасозларнинг болалар муассасаларида тарбияланаётган фарзандлари, ёшлар ётоқхоналарида истикомат қилаётган йигит-қизларга, шу жумладан оилалилар учун рамзий ҳақ тўлаётрилар, бирлашманинг шифолаш ва спорт-соғломлаштириш комплексларида даволанмоқдалар, дам олмақдалар ва саломатликларини мустақамламоқдалар.

Санаторий-курортларга йўлланмаларнинг ва транспорт хизмати кўрсатишнинг нархи кун сайин охиб бораётган шароитда кўпчилик республикамиздан ташқари у ёқда турсин, шаҳардан четда дам олиш ва даволаниш учун имкониятга эга бўла олмади. Бу ўринда уларга заводнинг санаторий-профилакторийси ёрдам берапти. Бирлашма ходими учун йўланма баҳоси смета баҳосининг бор-йўғи 10 фоизини ташкил этади.

Бу йилги ўқувчиларнинг ёзги таътил даврида завод ишчиларининг мингдан ортиқ фарзандлари Чимён тоғидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олдилар.

Юкорида айтилганидек, маданий-маиший объектлар сақлаб қолинганлиги ва улар фаолият кўрсатиши таъминланиши билан бир қаторда бу йил 126 хонадонга мўлжалланган 9 қаватли уй-жой биноси қурилиши бошлаб юборилган. Унга 50,0 миллион сўм ажратилган. Бино келгуси йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топширилди.

Бирлашмада ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда собитқадам иш олиб бориш жамоани унинг олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга сафарбар қилиш имкониятини бераётир. Бунда касаба уюшмаси кўмитасининг меҳнат аҳлининг қонуний ҳуқуқларини ва ижтимоий-иктисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида салмоқли роль ўйнаётир. Ҳар йили маъмурият ва касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида жамоа шартномаси имзоланади. Бу ҳужжатда биз аввало ишчининг меҳнатини тўғри ташкил этиш ва меҳнат ҳақи, меҳнатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш соҳасидаги, жамоанинг ижтимоий ва маданий ривожлантириш мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишига эътибор қаратилади. Шартноманинг ҳар бир йўналиш комплекс масалалари касаба уюшмаси кўмитаси, унинг комиссиялари томонидан бажарилиши назорат қилиб борилади.

Шартномани шакллантириш бўлиmlар жамоаларидан таклифларни тўплашдан бошланади. Ана шу таклифлар сичиклаб ўрганилгандан ке-

йин аниқ ташкилий-техник тадбирлар, бирлашманинг молиявий ва моддий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилади.

Масалан, касаба уюшма кўмитасининг ташаббуси билан 1993 йилги жамоа шартномасига салмоқли имтиёз киритилган: меҳнат ва ишлаб чиқариш интимоси энг кам бузилишига йўл қўйган ишчиларга қўшимча меҳнат таътили берилади.

Жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимига муҳим аҳамият берилади. Унинг бажарилиши ҳар чоракда касаба уюшмаси билан маъмуриятнинг қўшма мажлисида назорати амалга оширилади.

Кўпинча ҳозирги шароитда касаба уюшмаси зарурми? — деган савол берилади. Бундан айтилик, ўн, йигирма йил аввалги даврга қараганда ҳам ҳозир зарур деб ҳисоблайман. Ўйлаб кўринг, яқин ўтмишда ишчи ўзининг таклифлари, илтимос ва шикоят билан каерга мурожаат этарди? Касаба уюшмаларига ва партия ташкилотларига, халқ назорати ва шўро органларига. Бугун-чи? Ана шу занжирлар ичида ишчининг манфаатларини ҳимоя қиладиган ягона тўла ҳуқуққа эга бўлган касаба уюшма кўмиталари қолди. Меҳнаткашларнинг манфаатларини қанчалик собитқадамлик, билмдонлик ва моҳирлик билан ҳимоя қилиш эса касаба уюшмалари ташкилотларининг обрў-эътиборига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бозор иктисодиётига ўтиш даврида касаба уюшмаси кўмиталарининг вазифаси жуда муҳимдир.

Яна бир муаммо — тиббиёт суғуртасида тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳозир дори-дармонларнинг баҳоси осмонга кўтарилган такчил шароитда тиббиёт муассасалари тиббий хизмат кўрсатишига ҳақ тўлашни талаб қиладиган бўлиб қолдилар. Бунга одамларнинг ҳаммаси ҳам, хатто корхоналар ҳам етарли маблағ топа олмади аён. Шунинг учун эндиликда бепул хизмат кўрсатиш мумкин бўлмай қолган экан, унда тиббиёт тўғрисида қонун қабул қилиш ва корхоналарга тиббий ёрдам кўрсатишга сарфланадиган маблағларни маҳсулот таннархига киритишга ижозат берилиши зарур.

Пировардида шуни айтмоқчиманки, ўзининг шонли анъаналарига эга бўлган бирлашманинг кўпнинг кишилик меҳнат жамоаси режани шараф билан адо этиб, Ўзбекистон Республикаси истиклоли икки йиллигини муносиб меҳнат тўёнлари билан қутиб олапти. Биз яхши анъаналарни, ташаббус ва ғайрат билан ишлашни давом эттираверамиз. Ва Президентимиз И. А. Каримовнинг касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган йўл-йўриқлар ва ислохотлар ўтказилаётган шароитда ишчиларни ижтимоий-иктисодий ҳимоялаш юзасидан муҳим тадбирларни амалга оширамиз.

Абдурасул РЎЗМАТОВ,  
Тошкент кишлоқ хўжалиги  
машинасозлиги ишлаб чиқариш  
бирлашмаси касаба уюшмаси  
кўмитасининг раиси,  
«Ишонч» газетаси тахрир  
хайъати аъзоси.



**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси** Мустақиллигининг 2 йиллиги арафасида Бўстонлиқ тумани, Оқтош қишлоғида ажойиб тантана бўлиб ўтди. Йиғилганлар Республика саноати кимё тармоғи ходимларига атаб қурилган «Оқтош» санаторийси очилиши гувоҳи бўлдилар. 120 ўринли бу оромгоҳ унумли меҳнатдан сўнг дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлаш учун келаётган кимёгарларга бағрини очди.

Санаторий тармоқ бошланғич касабани уюшмалари ёрдамида қурилди. Бунда айниқса, Чирчиқ «Электрхимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасининг ҳиссаси катта бўлди.

Ўтган йилнинг худди шу кезларида республика Мустақиллигининг бир йиллиги арафасида тармоқ ходимлари касабани уюшмаси Марказий Кўмитаси ташаббуси билан кимёгарларга «Чимён» пансионати қуриб берилган эди. Энди Марказий Кўмита мустақиллигининг уч йиллигига атаб Шохимардонда яна бир санаторий бунёд этиш режасини тузаяпти. Ўзбекистон саноати кимё тармоғи ходимлари касабани уюшмаси Марказий Кўмитасининг мажлисида бу ҳақда маълум қилинди. Мажлис Оқтош санаторийси очилган куни Чирчиқдаги кимёгарлар маданият саройида бўлиб ўтди. Зал саҳнасида одатдаги минбар ҳайъат столи кўринмасди. Зал ўртасида давра столи ҳозирланган. Столнинг тўрт томониغا микрофонлар қўйилган. Давра суҳбатида жам бўлган мажлис аҳли ўз фикр-мулоҳазаларини микрофонлар орқали эркин баён этвердилар.

ЎЗБЕКИСТОН саноати кимё тармоғи ходимлари касабани уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Н. Т. Қосимов маърузасини республикада ислохотлар ўтаётган шароитда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химоя қилиш юзасидан олиб бораётган долзарб вазифаларга қаратди. Касабани уюшмалари республика раҳбарияти ўтказаяётган сиёсатни тўғри тушуниб, амалга оширишда, мамлакат ҳаётини янгилаш жараёнида елкадош бўлмоқдалар. Президентимиз И. А. Қаримовнинг республика касабани уюшмаси фаоллари билан учрашувида айтган бу сўзлари тармоқ касабани уюшмаси ташкилотларини руҳлантириб юборди. Улар аҳолини ижтимоий химоялаш юзасидан комплекс дастурни амалга оширишда яна ҳам фаол иштирок эта бошладилар.


Лекин ижтимоий химоядаги адолатсизлик ҳамон сақланиб қолаётганлигини мажлис катнашчилари таъсусуф билан гапирдилар. Давлат бюджетидан озик-овқат маҳсулотларини, транспорт ва коммунал хизматини арзонлаштириш учун ажратилаётган бехисоб дотациядан эҳтиёжманд оилалар ҳам, ўзига тўқ оилалар ҳам бирдай фойдаланмоқдалар. Бундай ҳолга чек қўйиб, ижтимоий ёрдамни фақат эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларга йўналтириш зарур.

Чекланган нархларда маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарга ҳам дотация беришни тўхтатиб, нархларни эркинлаштириш пайти келди. Ҳар бир корхона иқтисодий эркинликка эришиб, ўз ишчиларига қилган меҳнатларига яраша ҳақ тўлашга ўтиши керак.

Мамлакатимизда ишсизлар йўқ, деб узоқ йиллар гурурланиб келдик, — деди маърузачи навбатдаги масала устида тўхталиб. — Лекин ишсизлар бўлган. Меҳнат бозорисиз ишчи кучининг кадри ҳам, иш ўринининг кадри ҳам билинмайди. Ишчи ўрни учун рақобат бўлмаса унумдорлик ошмайди, ислохотлар бажарилмайди. Шундай экан, касабани уюшмалари ишсизликдан қўрқмасликлари керак. Ишсизларни ҳукумат гадо қилиб қўймайди, ўзларига муносиб иш топгунарларича ўқиб қўшимча касб эгаллагунарларича нафақа билан



## ИСЛОҲОТЛАР МАНФААТИМИЗНИ КЎЗЛАЙДИ



таъминлайди.

Маърузачи тармоқ меҳнаткашларини соғломлаштириш ва дам олишларини уюштириш масалалари ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтди. Ҳозирги шароитда собик марказий курорт ва санаторийларга бориб даволаниш харажатлари кескин даражада кўтарилиб кетганлиги учун маҳаллий санаторий-курорт базаларига бўлган эҳтиёж ортиб бораёпти.

— Яқинда «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори ва касабани уюшмаси кўмитаси раиси билан бирга уч йил муқаддам қурилиш тўхтаб қолган «Наврўз» болаларни соғломлаштириш лагерини бўлдим, — деди нотиқ. — Ҳисоблаб чиқсак бу иншоотни ишга тушириш учун яна 60 миллион сўм керак экан. Маълумнинг бир қисmini тармоқ касабани уюшмаси Марказий кўмитаси берадиган бўлди. Оромгоҳни келаси йил июнь ойигача қуриб битказиш чораларини кўрайлимиз. Шунда «Чимён» соғломлаштириш лагерини тўла пансионатга мослаштириш, ёз мавсумида «Бола ва она» дам олиш уйини ташкил этиш имкони яратилади.

Мажлисида сўзга чиққан «Совпластгаз» кўмиши корхонаси Фарғона нефть қайта ишлаш заводи, «Электрхимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари республика камизда ислохотлар ўтказилаётган даврда меҳнаткашларни ижтимоий химоялаш юзасидан Президентимиз ва ҳукуматимиз ўтказаяётган сиёсатни тўла-тўқие маъқуллаб гапирдилар. Нотиқлар ижтимоий химояни кучайтириш мақсадида тармоқда кўнгилли ижтимоий сугурта жамғармасини тузиш зарур, деган фикрни олға сурдилар.

Лекин ҳамма катнашчилар ҳам мажлис кун тартибига қўйилган масалани муҳокама этишда фаол иштирок этишмади. Айримлари ўзларига ўзлари ҳисоб бериш билан чекландилар. Яна бир қисм нотиқлар корхона кўрсаткичларини баён этишдан нарига ўтмадилар.

Улар орасида ҳатто нима дейишни ҳам билмаганлар бўлди. Демак, ҳар бир мажлисга олдиндан пухта ҳозирлик кўрган ҳолда, аниқ таклиф ва мулоҳазалар билан келиш лозим экан. Шунда кўпчилик олдида уялиб қолинмайди, ортиқча гаплар билан ҳамкасбларнинг вақтини олмайди.

Тармоқда муаммолар оз эмас. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасида ярим йиллик иш якунларига бағишлаб яқинда бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз «Ўздавкимёконцерн» фаолиятини каттик танқид қилди. Чунки концернда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўтган йилдагидан 15 фоизга, капролактама ишлаб чиқариш эса 70 фоизга пасайиб кетган эди. Бундай вазият фақат Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларига кўз тикиб ўтириш, маҳаллий хомашёдан фойдаланишга эътиборсизлик билан қараш оқибатида бўлди.

Эндиликда янги қазилма бойлиқлар конлари очилмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилоятида Кўкдунмалок конини ўрганиш бошланди. У 1995 йилда 1,5 миллион тонна нефть беради. Сирдарё кони базасида фосфорит қўвватига қуриладиган. Янги бунёд этиладиган Қизилқум фосфорит қўвватига 2320 тонна фосфорит концентрати ишлаб чиқариш қўвватига эга бўлади. Маҳаллий хомашёлари назлаб топилган бундан буён ҳам эътиборни кучайтириш керак.

Мажлисида Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг мўвоини К. М. Рафиқов сўзга чиқиб Президентимиз билан касабани уюшмалари фаоллари учрашувининг аҳамияти ҳақида гапирди. Давлат билан касабани уюшмаларининг мақсад ва вазифалари муштаракдир. Аҳоли турмуш даражасини кўтаришга қаратилган ислохотларни амалга ошириш учун энг аввало тинчлик, миллий тотувлик ва сиёсий барқарорлик керак. Бу ўринда энг оммавий ташкилот ҳисобланган касабани уюшмалари

алоҳида роль ўйнаши зарур. Касабани уюшмаси фаоллари ҳар бир меҳнаткаш онгига ва қалбига республикада ўтказилаётган ислохотларнинг моҳиятини сингдиришлари ва уларни янги ислохотларни бажаришга сафарбар этишлари лозим.

— Мен ҳам кимёгар ихтисосига эгаман, — дейди нотиқ сўзида даром этиб, — кимёгарлар меҳнати нақадар нозиклигини, бунинг устига улар зарарли участкаларда меҳнат қилишларини яхши биламан. Шунинг учун ҳам биз тармоқ ходимлари саломатлиги, майший турмуш шароитини яхшилаш устида ҳаминша ҳамхўрлик қилишимиз керак. Кимё саноатининг таракқиетсиз бошқа соҳанинг таракқиетини тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг ҳеч қачон унутмаслик зарур. Тармоқда ишлаётган барча ишчилар инженер-техник ходимлар учун муносиб иш ва турмуш шароитларини яратиб бериш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химоя этиш касабани уюшмаларининг бош вазифасидир.

Мажлисида муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.


Мажлис катнашчилари шу куни «Оқтош» санаторийси очилишида иштирок этдилар. Маросим катта тантананага айланиб кетди.

**СУРАТЛАРДА:** ● Мажлис давом этмоқда; ● Янги санаторий очилиш пайти; ● республика кимё саноатининг фахрийси

Воҳид Қодиров қўлида санаторийнинг рамзий қалити; ● кўз даволаш хоналаридан бирида.

Акмал АКРОМОВ,  
Александр СИЛЕЕНКОВ,  
«Ишонч»нинг махсус мухбирлари.

Р. НУРИДДИНОВ  
(ЎЗА) суратлари.



## ЭЗГУЛИК ВА ҲАҚИҚАТ

Турғуной ЭГАМБЕРДИЕВА,  
Фаргона Давлат  
университети проректори,  
тарих фанлари номзоди.

**БАЙРАМ** арафасида Фаргона шахрининг гўзал ҳуснига яна ўн чандон ҳусн қўшилди. Эрта билан дорилфунун томон борарканман, мустақил республикамизнинг ҳиллираб турган байроқларини кўриб, ҳаяжонланиб кетдим. Байроқдаги ранглар дилимда эзгулик, умид, келажакка ишонч уйғотади назаримда. Оппоқ ранг-бошлаган йўлимиз поклиги, тилакларимиз оқлигидан далолат берапти. Бу йўлдан биз қочқилмай, адашмай секинлашмай дадил қадам ташласак кўзлаган маррага эсон-омон етамиз. Яшил ранг эса Ўзбекистонимизнинг бепоён далаларини, ер-сувлару ям-яшил

боғ-роғларни, экинзорларни, ер ости бойликларимизни эс-латади. Биз ана шу бебаҳо неъматларни эъозлашимиз, ям-яшилликни сақлаб қолишимиз, ризқ-насибамизни ўз қўлимиз билан кўпайтиришимиз зарур.

Байроқдаги мовий ранг осмонимиз тиниқлигидан, тинч-тотувлигимиз ва орзу-умидларимиз улғуворлигидан ҳикоя қилади. Ун иккита юлдуз ва ой эса ҳар бир кунимиз юлдузли ва ойдин ўтсин деган тилакда чизилган.

Билмадим, бир умр партия ва маориф ишида хизмат қилиб, гоҳо ноҳақликдан, нотўғри буйруқбозликдан дилим оғригани учунми мустақиллигимиз мен учун ниҳоятда қадри ва эъозлидир. Бу кунларнинг ҳар бир дақиқасини мен авайлаб,



эзгулик нурларига ўрагим келади. Ва ёшларни тарбиялашдек, уларни келажакнинг муносиб кишилари қилиб етиштиришдек, илм-фанни ривожлантиришдек жуда масъулиятли ишга озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдан ифтихор қиламан.

Ҳаммамиз учун азиз ва ардоқли бўлган мустақиллигимиз байрами муборак бўлсин! Йўлимизни эзгулик ва ҳақиқат нурлари ёритиб турсин!

## СУНБУЛАДА СЕҲР КЎП

ЎЗБЕК юрти узра нур ёйилиб, гул уна бошлаганини бутун жаҳон кўриб турибди. Эрку мустақиллик, умид ва ўзбекка ишончдан кўнгилаш шод. Бугунги суҳбатдошим шу эзгу йўлда элга бош бўлиб турганлардан бири, Андижон вилоят ҳокимининг муовини Назиржон Шамсуддинович Саидов.

Хонободликлар ўз фестивалига бир миллион сўмга қурилган Бобур шохсупасини қуриб топширган бўлса, Бўзда Бобурга қўйилган ҳайкалнинг очилиши маросими ўтказилди. Шахрихонда ҳам Бобур ва Нодирабегим ҳайкаллари, Андижоннинг энг сўлим маскани Боғишамолда «Бобур боғи» бунёд бўлди. Биз бу ҳаракатларни эрта баҳордан бошлаганмиз. Қатор кўрик-танловлар, учрашувлар, хурсандчилик тадбирлари уюштирилди. Еш хонандаларнинг «Қамолот—93», раққоса ва раққосларнинг «Рақс—93», «Алла—93», Таваккал Қодиров кўшиқлари ижроси бўйича ҳаваскор хофизларнинг беллашуви фикрига далилдир. Рақс маликаси Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 80 йиллигига бағишланган республика кўриғида андижонликларнинг олий ўринга муносиб топилгани ана ўша изланишлар самараси бўлса керак. Сунбуланинг сўнгги кунига гача туманлардаги фестиваллар тугайди. Ғолибларга мукофотлар тарқатилди. Бунинг учун ўн тўрт миллион сўм маблағ ажратилган.

— Бу фестивалнинг мукофотигагина 14 миллион ажратилган бўлса, унинг тайёргарлигига, ўтказилишига озмунча харажат кетмаганду? Айримлар «танглик, танглик» деб даво қилаётган ҳозирги кунларда бунинг имконини қандай топдингизлар?

— Кўрпага қараб оёқ узат, дейдилар. Вилоятда иқтисодиёт тобора соғломлашиб бораётгани. Шу йилнинг олти ойида 44 миллиард 330 миллион сўмликдан ошироқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу кўпми, озми? Ўтган йил бўйи бу 15 миллиард 519 миллион сўмлик эди. Халқ истеъмолчи моллари эса ўтган йилнинг биринчи ярми билан бу галги биринчи олти ойликни солиштирганда 20,8 фоиз бўлди. Агар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари бўйича яқунларида ёппа ўсишга эришилганлигини яққол кўриш мумкин. Меҳнатга муносибат ўзгариб бормоқда.

— Назиржон ака, бугун қишлоқ ишчилари ҳам қандай меҳнат қилиш, қанақа даромад олиш ҳақида ўйлай бошладилар. Меҳнат ўз қадрини топапти. Бу ўз навбатида тадбиркорлик билан яшашга ундайди.

— Республикамизда энг паст маош 11 минг 250 сўм қилиб белгилангани, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг давлат харид

нархлари оширилганидан қишлоқ аҳлининг ҳам елкасига офтоб тегадиган бўлди. Дехқонларнинг ўз томорқасида етиштирган маҳсулотларини сотиб яхши даромад қилаётгани уларни янада кўпроқ маҳсулот етиштиришга ундапти.

Авваллари Андижонда махсус чет тили ўргатиш маркази очилди-ю унда америкалик ўқитувчилар дарс беради, халқ хўжалиги олий билимгоҳида Америка мутахассислари талабаларига маъруза ўқийди, бизда турк лицейи бўлади, деса ким ишонарди. Бугун эса буларнинг барчаси ҳақиқат. Бундан икки йил аввал бутун республика бўйича 12 та қўшма корхона бор бўлган бўлса, ҳозир бизнинг вилоятдагина шунча қўшма корхона ишляпти. «Тиксантис» — ўзбек — турк қўшма корхонаси тикув машиналари ишлаб чиқаряпти. Андижон марказидан анча олис Охунбобоев шахрида эса «ТОНГ—ЭСО» — ўзбек — Польша, Андижон туманида эса «Мева-боғ» ўзбек-турк ва бошқа корхоналар ишляпти. Буларнинг ҳаммаси мустақилликнинг шарофати, ўзликни англашнинг шарофати.

Яқин-яқингача нафақат вилоят ҳатто республика раҳбарияти ҳам бирон бир масалани ҳал қилиш учун Москвадан жавоб кутарди. Энди бўлса, республика ҳукумати сиёсатидагина эмас, балки вилоят ҳокимлиги қарорлари ва ижросини таъминлашда ҳам мустақиллик самарасини кўряпти.

— Қасаба уюшмалари наشري — «Ишонч» ҳақида нима дея оласиз?

— «Ишонч» ўта зарур наشر. У барча умуминсоний газеталардан фарқли ўларок, асосан меҳнаткаш халқ химояси учун хизмат қилаётган ҳафтаномаси.

Обунани кучайтириш керак. Бунинг учун янама адолатпешарок, янама ўткирроқ бўлишга тўғри келади. Эҳтимол ҳафтада бир марта эмас, икки марта чиқариш керакдир. Етти кунда аллақанча янгиликлар эскириб улгуриши табиий.

Андижонликлар бу йил ҳам «Ишонч»га энг кўп обуна бўладилар, деб умид қиламан. Фақат «Ишонч» биз ўқувчиларга энг сара, халқчил, адолат учун бебаёв, ўткир, ўқишли материаллар билан хизмат қилса бас. Бу йўлда Сизларга куч-ғайрат тилайман.

— Мазмунли суҳбатингиз, тилакларингиз учун ташаккур! Суҳбатдош: Замира РҶЗИЕВА.

**ХАЛҚИМИЗДА** қимирлаган — қир ошар, деган мақол бор. Ҳозир айни қир ошмас бўлмайдиган замон. Ангрендаги автобус-таксомотор саройида бўлганимизда ана шу мақолнинг ифодасини кўрдик.

Корхонада ишловчилар ва уларнинг оиласини ижтимоий-иқтисодий ҳамоялашга жуда катта аҳамият берилмоқда. Бинода мўъжазгина тиббий бўлинма бўлиб, меҳнаткашлар соғлиғини муҳофаза қилади. Ҳайдовчилар мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтиб туришади. Бу ерда ортиқ электр-нур, сув билан даволаш муолижалари мавжуд. Тиш даволаш хонасига яқиндагина замонавий

борадиган оналарга йўланмалар текин берилди. 12 ёшгача бўлган икки ва ундан кўп фарзанди бўлган оналарга меҳнат таътиллари уларга қулай пайтда ва биринчи навбатда берилди. 8 ёшгача фарзанди бўлган оналар талаби билан 4 соатгача тўла бўлмаган иш кунини белгиланиши мумкин.

Хуллас, корхонада меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамоялаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Лекин у ўзича осон битмайди. Ижтимоий-иқтисодий ҳамоя фақат қоғозда, гапда бўлиб қолмаслиги учун ишнинг кўзини билган ҳолда самарали меҳнат қилмоқ керак. Автокорхонада шундай қилинмоқда.

## ДАРОМАД— ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ

янги аппаратура сотиб олинди. Бу борада яна қатор мисолларни айтиш мумкин.

— Сиз кўриб турган спорт-соғломлаштириш мажмуини, — дейди мамнун кайфиятда автокорхона касабаси Равил Исмоилов, — ўз кучимиз билан қурганмиз.

Бинонинг ташқи томонидан ҳам, ички томонидан ҳам пардозлари жуда келтириб қурилибди. Катта хона турли-туман спорт-машқ ускуналари билан жиҳозланган. Жадвал бўйича ҳар кун сауна ишлайди. Шахмат-шашка, биллиард, стол тенниси ишчи-хизматчиларнинг ихтиёрида. Иш тугаган бу ер доимо гажум бўлади.

Умуман корхонада ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳамоялашга катта аҳамият берилмоқда. Кейинги бир йилда яқка тўртта уй қуриш учун 85 кишига ер ажратиб берилди. Жамоа шартномасига биноан бу ерда ҳар бир ишчи-хизматчи

ишлаган йилга қараб ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади. Масалан, ишчи-хизматчи корхонада 2 йилдан 5 йилгача ишлаган бўлса 3 кун, 5 йилдан 10 йилгача ишлаган бўлса 5 кун, 10 йилдан кўп ишлаган бўлса 6 кун ҳақ тўланадиган қўшимча меҳнат таътили олади. Ундан ташқари 15 ёшгача икки фарзанди бўлган оналарга 4 кун, уч ва ундан кўп фарзанди бўлганларга 6 кун берилди. Корхонада 10 йилдан кўп ишлаган ходимлар 50, 55, 60 ёшга тўлганларида хизматларига қараб бир неча минг сўмлик пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Соғлом авлод учун хайрли ҳаракат бу корхонада ҳам ўз аксини топмоқда. Илгари ҳам бу борада маълум тадбирлар белгиланган бўлсада, энди муҳим ишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хотин-қизларни оғир ва зарарли иш шариоти жараёнларига қўймаслик қатъий қилиб қўйилди. 2 ёшдан 8 ёшгача фарзанди бўлган аёллар фақат ўзлари розилик берсаларгина иш вақтидан ташқари пайтда ишга жалб этилиши мумкин.

16 ёшгача фарзанди билан санаторий-профилакторийга

Фуқароларни транспорт ташиш хизмати илгаридан дотация олиб ишлаган. Ҳозирги шароитда бундай автокорхоналарда иш юритиш яна ҳам қийинлашиб кетди. Ангрен автобус-таксомотор саройи маъмурияти ва касабаси уюшмаси кўмитаси бутун чоралар билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш эвазига ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳамоялашга эришмоқдалар. Автокорхонада ихтирочилар меҳнати билан эҳтиёт қисмлар ишлайдиган ускуналар ясашга киришилди.

— Илгаридан яхши билмига эга бўлган, янгиликпарвар, ташаббускор муҳандис-техник ходимларимиз бор, — дейди автокорхона директори А. М. Калининченко, — уларни тўплаб, фикрларини эшитиб йўланмалар бердик. Корхонада кичик ижодий гуруҳ ташкил эта олди. Кўп ўтмай ўз самарасини бера бошлади.

Автокорхонада мотор блок қистирмасини ясаш йўлга қўйилди. Техника ихломандлари ускунани такомиллаштириб бердилар. Энди улар тайёрлаган мотор блок қистирмасини кўплаб корхоналар сотиб олишмоқда.

Автокорхона янгиликпарварлари қистирма халқасини тайёрлаш бўйича ҳам янги механизациялашган ускуна тайёрладилар. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот илгари Россия шаҳарларидан келадиганлардан қолишмаганлиги учун ҳатто автомобиль таъмирлаш заводи ва бошқа корхоналар ҳам кўплаб сотиб олишмоқда.

Хуллас автокорхона мўъжаз техник марказида 40 хилдан ортиқ энгил эҳтиёт қисмлар тайёрланиб вилоятдаги автокорхоналарга сотилмоқда. Ангрендаги «Резинотехника» комбинати, Барнаул асбобтехник буюмлар заводидан хомашё олишмоқда.

Ана шундай хатти-ҳаракатлар, интилай, изланиш, ташаббускорлик ҳисобига автокорхона қўшимча даромад қилмоқда ва ишловчилар ижтимоий-иқтисодий ҳамоя қилинмоқда.

**Б. ПУЛАТОВ,**  
Тошкент вилояти касабаси уюшмалари кенгаши матбуот марказининг муҳбири.



— Назиржон ака, қарийиб тўрт-беш ойдан буён Андижон вилоятида байрам бўляпти. Байрам бўлганда ҳам ўлчовли майдондан тош ҳайкалга «честь» бериб ўтиб кетадиган намоёнлар эмас, фаройиб байрам бўляпти. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Сиз сўраётган фаройиб байрамни кўпроқ шодийна сайил десак тўғрироқ бўлар. Мустақилликнинг икки йиллик тўйига қўшимча андижонликлар учун яна иккита шодумонлик насиб этиб турибди. Бу — Андижон фарзандлари Ҳазрат Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллик, нафосат ва заковат маликаси Нодирабегимнинг 200 йиллик тўйларидир. Дунёнинг ҳар бурчидан меҳмонлар келади. Элимизнинг кайфияти ҳам шунга яраша. Вилоят ҳокимлиги-бу кутлуғ тўйлар муносибати билан «Гул-яшна, жон Андижоним» деб номланган санъат ва меҳнат фестивалини ўтказишга қарор қилган кенг қамровли бу фестивалда вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва тумани, корхона ва ташкилоти, жамоа ва давлат хўжалиги, хунарманду боғбони, ижодкору санъаткори иштирок этмоқда. Мўъжизамизча фестивал ҳар бир фуқаронинг имконияти ва салоҳияти, билими ва ҳаракатини белгилаб беради. Шундай бўлади ҳам.

Биласиз, Бўз тумани мўъжазгина. 28 мингга яқин халқ яшайди. Бўзда ўтган фестивалга 25,5 минг аҳоли сайлга чиқди. Ажаб кўргазмалар, ажаб томошалар бўлди. Санъаткорнинг ҳам, хунарманднинг ҳам, боғбону дехқоннинг ҳам салоҳиятини махсус ҳакамлар баҳоладилар.

Корасулик 80 ёшли Солижон Бадалбоев чехрасидан нур балкиб «Усмоғия»га ўйнаганда Андижон туманлик боғча болалари, Мухитдин Усмонов ва Машхура Фозилжонова «Қилпиламан»ни койиллатганда, шахрихонлик Искандар Эргашев, Зуҳра Олимовалар кўшиқ қуйлаб, балкичилик Гофуржон Бозоров, Рустамжон Ҳайитов, Авазбек Тулашевлар аскияни боплаганда мўъжазга демал бўлмади.

Фестивал тайёрғарлиги ва уни ўтказиш баҳона биз ҳам анча ишлар қилиб олдик. Жойларда янги иншоотлар барпо қилинди, эскилари таъмирланди. Бадий жамолларга чолгу асбоблари, кийим-кечаклар сотиб олинди.





## ЎХШАШИ ЙЎҚ ОЛИЙ МАСКАН

Мирақбар РАҲМОНҚУЛОВ,  
Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети ректорининг биринчи муовини, юридик фанлари номзоди:

— **ЎЗБЕКИСТОН** тарихида шундай дамлар борки, у йилларга, асрларга татиғуликдир. Халқимиз учун бундай тоғли дамлар 1991 йилнинг 31 август кунини бўлди. Чунки бу кун бизнинг азалий орзуимиз ушалган кун бўлиб, ҳақиқий мустақилликни қўлга киритдик.

Эзгуликнинг қаноти бор, дейдилар. Истиқлолимизнинг сархил меваларидан бири президентимиз И. А. Каримов асос солган, Марказий Осиёда ўхшаши йўқ олий мас-

кан — Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети ташкил топган кун бўлди. Бугун университетда Ўзбекистоннинг таянч устунлари, унинг келажаги камол топмоқда. Бугунги кундаги асосий вазифамиз истиқлолни камолотга етаклайдиган, Ватанга содиқ, етук кадрларни тайёрлаш, шу борада мазкур университетни республикадаги байроқдор, илғор олий масканга айлантиришдир. Бунинг учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Иншооло, эрта-индин шу эзгуликнинг натижаси кўрингай.

Бугунги улғ айём кунларида республикамиз меҳнаткашларини, олий ўқув масканларидаги жамики ўқи-



тувчи, профессор ҳамкасбаларимизни Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети жамоаси номидан муборакбод этаман. Серқўёш ва мафтункор, истиқболи порлоқ Ўзбекистон учун қурашда яқдиллик ва ҳамжиҳатлик тилайман!

## УФҚЛАР



ИНСОН деган пайдо бўлгандан бошлаб, наслининг тозаллиги, зурёдининг бақувватлиги учун курашади. Мана шу сифатлар рўёбга чиқсагина замин гуллади. Ривожланади. Ватани, миллати камол топади. Буларнинг барчаси таълим-тарбияси, маънавияти билан боғлиқ. Чунки олган билими, таълим-тарбияси орқали дунё сирларини ўрганади. Ўз хулқи, одоби билан ўзгаларга намуна бўлади. Ана шу жиҳатдан бизнинг ота-боболаримиз дунёда маърифат, маънавият бешигини яратганлар сирасига қиради. Кечаги уйғонган, ўзини оға деб танитмокчи бўлганлардан бир баҳя баландрок туради.

Дунё ва дарё ҳаминша бир маромда окмаганидек, ҳаёт, яшаш ҳам мудом бир хил бўлган эмас. Савиямиз ҳам ана шу тарика ўзгариб турган. Онгни жамият белгилаши шундан.

Маданият, маърифат ҳақида гап кетадиган бўлса, унутмангки, тарихимизнинг мингинчи йилларнинг нариберида Мовароуннаҳр деб аталмиш кўҳна тупрокда анчайин гуллади. Алберуний, Фаробий, Ибн Сино деган бобоқлонларимиз ана шу асрлар фарзандларидир. Бу буюк миллатимиз, учун олтин аср — уйғониш даври ҳисобланади.

То ўн бешинчи асрга қадар она заминимизда яна бир талай улғ сиймолар яшаб ўтди. Жаҳон фани, маданиятига Улғбек, Алишер Навоий, саркарда Амур Темур, санайверсам, сонин-саногсиз сардорлари ўн бешинчи асрда камолот чўққисига етди. Шарқда илм-фан мактабини яратди. Биз

то хануз ана шу буюклар руҳи билан яшаймиз. Шаҳару қишлоқларимизнинг энг кўркем хибобларида уларнинг ҳайкаллари қад кўтариб турибди. Бу аслида биз учун миллат, фахру ифтихор туйғусидир.

Бу қуруқ мактаниш эмас. Самарқанду Бухоро, Тошкенту Хива шаҳарларининг тарихи бир олам. Буларнинг бари бизнинг мулкимиз. Бойлигимиз. Бундай яратилиш ҳисси маданияти юксак халқларгагина насиб этади. Фақат бунинг қадрига ета билиш керак. Қадр деган сўзнинг бекорга ишлатмадим. Икки йил олдин биз кадрларимизни баланд халқлар рўйхатига кирдик. Ер юзиде Ўзбек, Ўзбекистон борлигини кўрсатдик. Мустақил Республикага айландик.

Мустақиллик биз учун серғалва асримизнинг охирилариде юз очди. Қарийиб бир ярим асрлик тарихимизни эслатиб ўтиш шарт эмас. Бу тобелик йилларимиз ҳаммага маълум. Ундан олдинги хоңлик, амирликни ҳам тилга олмай қўяқолайлик. Ҳаммаси бир томон. Мустақил бўлганимиз бир томон бўлди.

Мана каттаю кичик росмана хурлик байрамимизни баҳамжиҳат бўлиб нишонлаяпмиз. Бу байрам — мустақиллик Республика халқ таълими тизимларига қандай янгилик олиб келди. Биз шу пайтгача гимназия, лицей, колледж деган ўқув даргоҳларини чет эллардагина борлигини билардик. Бизда эса бир хил дарсликка, бир хил дастурга эга бўлган шўро мактаблари мавжуд эди. Иқтидорли, истеъдодли болалар борлигини, мавжудлигини ҳа-

ёлга келтирмасдик. Қоида битта — давомат бир хил бўлиши керак. Аълочи ўқувчи дарсларни яхши ўзлаштирмовчини оталикка олиши шарт. Ўқув, таълим-тарбия тартиблари ҳам бир хил. Муҳими, бола айтганимизни қилиб, биз чизган чизикдан чикмаса бўлди. Ўн йиллар ана шу йўсинда иш кўрдик. Авлодлар эса мактабга келиб кетаверди. Бир хил қолипда фикрлайдиганлар кўпаяверди. Муҳими, болада фикрлаш, мушоҳада қилиш қобилияти сўниб бораверади. Миллий таълим, миллий тарбия борлигини бирор дақиқа эсламадик.

Мустақиллик ана шу «темир интизом»ни бузиб ташлади. Республикада Ўзбекистон — Туркия лицейлари иш бошлади. Ҳозирги кунда уларнинг сонини йигирмадан ошиб кетди. Иқтидорли болалар ўқийдиган махсус мактаблар кўпайди. Йўналишли лицей-синфлар очилди. Демак, ҳар бир боланинг қобилиятига баҳо берадиган кунлар келди. Муҳими, болалар орасида инглиз, араб, турк тилларини билишга қизиқиш, касб-хунарга меҳр кучайди. Бунинг энг биринчи ота-оналар сезди. Энди қуруқ ўқитиш билан иш битмаслиги кўринди. Чунки дунёга чиқадиган халқ ўзининг тор кўчасида ўралиб қолмаслиги даркор.

Сир эмаски, халқимиз, юртимизнинг кўрки — болалардир. Эрқалатиб уларни келажагимиз деймиз. Елкасига қоқиб, яша, деймиз.

Ўтган йили ҳам, бу йилги янги ўқув йилида ҳам Республика мактабларининг биринчи синфларига ярим миллиондан ортик кичкинтой қадам қўйди. Ҳар бир ўқитувчи биринчи кунданок уларнинг ҳар бири билан мустақил иш олиб боради. Ўқиш даврида унинг қизиқиши, қобилиятини ўрганиб боради. Бунда тест усули қўл келади.

Ўтган йили Республикадаги 120 та энг иқтидорли деб тан олинган бола Болалар ва Улғбек жамғармасидан ҳар ойда маълум миқдорда нафақа олишга эришди. Халқ таълимидаги ўзгаришлар жуда кўп. Қайси бирини айтмай. Муқобил дарсликлар нашрдан чиқди. Ўқитувчи мактабда мустақил ишлаши учун имконият туғилди. Миллийлик кучайди. Дарсликлар миллий бўлди.

Асосийси, Республикадаги мактаблари 2 сентябрни Мустақиллик дарси билан бошлайди.

Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Янгисини қурмай туриб, эскисини бузманг» китоби асосий мавзу бўлади. Ҳамма гап биринчи дарс билан боғлиқ. Бу ёғи, ўзини таниганлар учун хур Республика уфқлари ёришиб бораверади.

Мен бекорга тарихга мурожаат қилмадим. Бир замонлар келади. Биз кечирган кунлар тарихга айланади. Мустақиллигимиз эса, Уйғониш асри деб ёзилади.

Сафар БАРНОЕВ,  
Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги ходими.

— Соғинча чулганган қалбларни хаяжонга солиб, ҳадемай қўнғироклар жарангайди. Уларнинг жўшқин садоси ёшларни қадрон синфларига, тенгдошлар даврасига, меҳрибон ва ғамхўр ўқитувчилари ўтадиган машғулотларга чорлайди.

Республикамиз Президенти Ислам Каримовнинг халқ таълими ходимлари ва мактаб ўқувчиларини шундай мураккаб вазиятда ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўрсатаётган ғамхўрликлари, оқилона йўл-йўриқлари жуда қўл келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Кўрсатилаётган ғамхўрликларни ҳаётга жорий этиш, йўл-йўриқлардан ўз ўрнида ва вақтида фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифалари ҳисобланади. Бунинг туманимиз халқ таълими тизими мисолида ҳам кўриш мумкин.

## УМИДВОРЛИК

НАРПАЙ тумани халқ таълими бўлими мудири, халқ таълими аълочиси Ғани Турдиев ҳикоя қилади:

Масалан, ўтган ўқув йилида туманимиздаги 49 та умумий таълим мактабиде 22 минг 883 нафар ўқувчи билим олди. Уларга 2780 мураббий таълим-тарбия беришди. Шуниси қувончлики, халқ таълими бўлими-миз даромад бўйича ҳам, ўзлаштириш борасида ҳам вилоятда юқори кўрсаткичларга эришди.

Биз бу муваффақиятларга биринчи навбатда Президент фармонлари асосида иш юритиб, халқ таълими тизими фаолиятини кун сайин такомиллаштиришга, ўқитувчилар ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга жиддий аҳамият бераётганлигимиз тўғрисида эришяпмиз.

Ҳозирги пайтда деярли барча мактабларимизда машғулотлар замонавий биноларда ўтказилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида тумандаги Бобур номли жамоа хўжалигида 11-ўрта мактаб учун 784 ўринли, «Октябрь» жамоа хўжалигидаги 24-мактаб ўқувчилари учун 840 ўринли бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳамза номли давлат хўжалиги ва Бобур номли жамоа хўжалигида ҳашар йўли билан тўққиз йиллик мактаблар қурилди. Барча мактабларда ошхоналар бор.

Туман ҳокимиятининг халқ таълими тизимида катта эътибори ва ғамхўрлиги тўғрисида янги мактаблар қурилиши давом эттириляпти. Ибн Сино номли жамоа хўжалигидаги 8-ўрта мактаб учун 420 ўринли, «Ок олтин» жамоа хўжалигидаги 10-ўрта мактаб учун 484 ўринли, «Октябрь» жамоа хўжалигидаги 28-ўрта мактаб учун 320 ўринли, А. Навоий номли жамоа хўжалигидаги 33-ўрта мактаб учун 734 ўринли бинолар қурилаётганлиги фикримизнинг ёркин далилидир.

Ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳам бир талай ибратли ишлар амалга ошириляпти. Ҳозиргача 1220 ўқитувчига уй-жой қуриш учун ер участкаси берилди. Барча халқ таълими ходимларига қўшимча томорқа ажратилган. 354 нафар ўқитувчига 41700 сўм миқдорда моддий ёрдам берилди. 53 ўқитувчи касаб ва уюшмаси томонидан республикамизнинг турли жойларидаги сихатгоҳларда саломатликларини мустаҳкамлаб қайтдилар.

Шу йилнинг май ойидан бошлаб тумандаги «Зарафшон» фирмасига қарашли гишт заводи директори Суннат Орзиқулов ва «Ғалаба» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Акбар Жамиловларнинг ташаббуси билан аъло баҳоларга ўқийдиган 8 ўқувчига 500 сўмдан 1500 сўмгача ойлик стипендия белгиланди. Эндиликда бу ташаббусни тумандаги барча хўжаликлар бошқарувлари қўллаб-қувватлашаётир.

Янги ўқув йилидан бошлаб ҳар бир мактабдан битта ўқувчи ана шундай стипендия ола бошлайди.

Бошланаётган ўқув йили халқ таълимининг равиқ топтириш борасидаги юзлаб эзгу ниятлар рўёбга чиқадиган йил бўлишига ишончимиз қомил.

Сухбатдош: Ризо ХУДОЙҚУЛОВ.

**М**АНА мустақилликнинг яна бир муборак тонгини қарши-лаяпмиз. Субҳи содиқда уй-ғониб, бутунги ризқ-рўз наси-басидан улуш олган парҳез уйқули бобожонларим ва моможонларим, байрамнинг муборак!

Бир этак болаларини теварагига тў-лаб, дастурхон бошида эрталабки но-нуштага ўтирган азиз юртдошларим, мустақиллик байрамнинг муборак!

Не бахтки, мустақилликда кечаёт-ган икки йиллик умр диёримизнинг оқар сувлари айна дамда бир манзил-дан иккинчи манзилга шошиб оқмоқ-да! Бобо Қуёш айна дамда бошимиз-да чарақлаб турибди! Не бахтки, муста-қиллик баҳори бири иккинчиси, иккин-чиси учинчиси билан алмашишмоқда!

Мустақилликда кечаётган икки йил-ликни сарҳисоб қилсак, шукрлар бўл-синки, ҳаётимиз осойишта, тинч кечди, куёшли кунларимиз, хушбахт дамлари-миз кўп бўлди. Янги Қонун мажмуаси давлатимиз рамзи ва мадҳияси қабул қилинди.

Кўхна Турон — Туркистоннинг ден-гиз деса, дегулик кўллари бордир. Шу-лардан энг каттаси — Орол. Кўхна Ту-роннинг дарё деса, дарёдек дарёла-ри бордир: уларни эскида Жайхун ва Сайхун, ҳозирда Амударё ва Сирдарё деб атайдилар. Дарё бўйлари ва ора-ликлариди даври-даврон сурган халқ кўп замонлар кўз ёшларини шу дарё-ларга оқиздилар. Кўз ёшларга тўлган дарёларнинг суви қирғоқлардан оши-тошиб кетган замонлар ҳам бўлди. Шу боис кўхна Турон — Туркистоннинг эли ҳам, ери ҳам, бошидан пўртана-дек кечган ҳаёти ҳам айричадир. Бу ернинг ерига, бу элнинг эрига қайси ер, қайси эр тенг келади! Бу элнинг аёл-ларига қайси ернинг аёллари тенглаша-ди!

Кўхна Турон — Туркистоннинг Ба-ҳодир Тўрағайдек бийлари бор эди. Бу бийлардан оловдек ловуллаб Темур беклар дунёга келди. Амир Темурнинг бир ўзи ер юзининг ярмини чакмоқ-дек ёритди. Унинг авлодлари эса дунё-нинг ҳаммасига тафаккур нурини соч-ди: Улугбекнинг бир ўзи Осмонни ҳам илм билан забт этди. Бобур Тур-кистон сарҳадларидан ўтиб, Ҳиндис-тоннинг қоронги гўшаларига заиё соч-ди. Уйда ўтириб самолар билан сух-бат курган ҳаёл оламининг учқур су-ворийси Улугбекка кимни менгзаймиз! Жаҳон аҳли соғлиги учун жон фидо этган шайх ур-раис Ибн Синога кимни менгзаймиз! Хоразмий, Беруний, Фаробий даҳосига кимни менгзаймиз! Дар-воқе, Фаробийнинг тўққиз тиллик дўм-бираси тўқсон тўққиз хил овоз чиқариб нағма қилганда, тўлғонган қалблардан хислар сачрайди, кўзларда милт-милт ёш қалқиди. Айтинччи, бу турк дўмбири-сига қайси чолғуни менгзаймиз! Фаро-бий дўмбираси узок замонлар қаъри-дан садо беради:

Икки дунёнинг икки табақ эшигисан,  
Туркистон,  
Ёфас, Тур, Афросиёб, Эр Тунга  
бешигисан, Туркистон,  
Сени Абу Турк Ватани — Турон  
демишлар, Туркистон,  
Сени шоху гадолар Ватан тутмишлар,  
Туркистон.

Тун қаърига оташ сочган кундузларнинг  
кўп, Туркистон,  
Ер юзига заиё сочган юлдузларнинг кўп,  
Туркистон,  
Зардуштий, Бухорий, Фаробий  
маконисан, Туркистон,  
Маърифат, шарият, тариқат, Ҳақиқат  
арконисан, Туркистон!..

Лош гўшт талонгандек, жаҳон ўғлон-лари оловдек ўйнаб сийму зар, ер-сув талашганда, улар дунёнинг тўрт тара-фидан ўз улушини олишга шошилганда ҳам сабр-бардошли туркий халқ бобо-мерос тупроғини кўзга тўтиб тутди. На-воий турк элини яққалам этиб, «Ватан! Ватан!» деб йиғлади. Турди Фароғий «Тўқсон тўққиз ўзбек беклари, бирла-шинг! деб йиғлади.

Халқ Ватан озоқлигини асрлар бўйи орзу қилиб яшади. Ватан мустақилли-ги учун фидойин фарзандлар азиз жо-нини қурбон бердилар. Не бахтки, Ал-лоҳ халқнинг арз-додини эшитди — Ватан мустақил бўлди! Ўзбекистоннинг ҳаворанг байроғи Бирлашган Миллат-лар Ташкилоти биноси пештоқида хил-

пираб турибди. Дўстлар кучоғ очиб Ўзбекистонга назар ташлаб турибди. Бизни 130 давлат тан олди...

Ватан мустақиллиги кенг тушунча! Давлат мустақил бўлмаган жойда фу-қаро мустақил эмас! Аксинча, фуқаро мустақил бўлмаган жойда давлат ҳам мустақил эмас. Демак, давлат ва фу-қаро яхлит ҳужайра! Ватан мустақил-лиги фуқаро, оила, миллат мустақил-лигини таъминлайди. Айна дамда ҳар бир фуқаро онгининг мустақил бўлиши Ватан мустақиллигининг тамал тошини мустаҳкамлайди.

**В**АТАН муқаддас тушунча! Ва-тан деб халқлар қўлга қурол олди. Ватан фарзандлари уни бировга бергилари келмайди, унинг йўлига жонини тикади. Ҳадиси шарифларда «Ватанни севмаклик ий-мондандир» деб бежиз айтилмаган. Де-мак, Ватан учун жон фидо этганлар аввало иймонни, ор-номусни ўйлаган-лар.

Аллоҳ ҳар қайси махлуқот, жонзот, наботот учун етти иқлимни — ўн сак-киз минг оламини — борлиқни Ватан қи-либ берган. Навоий ҳазратлари «Кўзим қаросига мардум киби ватан қилгил» дейди. Куз гавҳари учун кўз қорачу-ги — Ватан. Демак, ҳар қандай жон

анъанадан кечилмас» мақоли миллий маданиятга берилган қийматнинг дара-жасини кўрсатади.

Аслида Ватан тушунчаси моддий-иктисодий маънода эмас, балки маъ-навий маънода теранроқ жаранглайди. Моддий-иктисодий қарамлик ва зулм-дан халос бўлиш мумкин, сиёсий зу-ғумлардан қутулиш мумкин. Аммо маъ-навий жиҳатдан мустақиллик қўлга киритилмаса, Ватан тушунчаси кемтик кўринади. Демак, Ватан тушунчаси асл маънода Аллоҳ ҳар бир инсонга, ҳар бир халққа неъмат қилиб берган маъ-навий Ватан сарҳадларини ҳис этиб яшамоқлик билан изоҳланади. Маъна-вий Ватан — ҳақиқий, мустақил Ватан-дир.

Ватан ер-сув, бойлик маъносида кўп талаш бўлган. Кайхусравдан Доролар-гача, Искандардан Кутайбийгача, Чин-гизхондан Амир Темургача, Грозний-дан Пётргача, Напалеондан Ленинга-ча, Гитлердан Сталингача, ҳатто Бреж-невгача босқинчилик урушлари олиб борган. Бу сарҳадларда қўлга киритил-ган Ватанлар моддий эди, шу боис улар тарихнинг маълум нуқталаридагина яшаб турдилар. Бу салтанатлар енгил-так шамол чап-тўзонидек тезда тўзиб,

## ОЛТИН БЕЛАНЧАК

учун тан — Ватан! Буларнинг барида қисмат бор: Ватанга шикаст етса жон чиқади!

Биз умригузаронлик қилаётган туп-роқда ўзбек кўз гавҳари бўлса, Ўзбе-кистон — Ватан — кўз қорачуғи! Ҳо-мила учун она қорнидан, кўз гавҳари учун кўз қорачуғидан мосроқ, азиз-роқ, лазизроқ жой йўқ! Инчунин, кўз қорачуғига қулоқ ёки бурунни жойлаб бўлмайди.

Турк адаби Зиё Кўкалп Ватаний ах-лоқ маданияти ҳақида шундай ёзади: «Туркининг ватанпарварлигига мисол ўлароқ, Хун давлатининг қурувчиси Мэтэни кўрсата оламиз. Татарлар ҳукмдори уруш эълон қилиш ниятига етмак учун, аввал у жуда яхши кўрган отни беришини истади. Бу от бир соат-да минг фарсах узунлигидаги йўлни босарди. Мэте ватандошларини уруш-дан сақламоқ учун бу отни татар ҳо-қонига юборди. Татар ҳокони урушга бир баҳона қидирарди. Иккинчи гал у Мэтэнинг энг севишли хотинини сўра-ди. Бу ҳақоратга чидалмаган беклар қурултойда уруш эълон қилишини истади, аммо Мэтэ: «Мен ватанимни ўз ишқим ўғрисига алмашмайман» деди ва севгилисини душманга бер-маслик каби буюк бир фидокорликни қабул этди. Шундан кейин татар ҳокони Хун ўлкасида ҳеч бир ҳосил бермай-диган, экинсиз, ўрмонсиз, маъдансиз, ахолисиз бир ернинг парчасини талаб қилди. Қурултой бу фойдасиз тупроқ-нинг берилишига қаршилик қилмади, аммо Мэтэ: «Ватан бизнинг мулкимиз эмасдир. Мозорда ётган оталаримиз-нинг ва қиёматга қадар тугилажак ав-лодларимизнинг ҳам бу муборак туп-роқда ҳақлари бордир. Ватандан озги-на бўлса бир қарич қадар бўлсин, ер бермакка ҳеч кимсанинг ҳаққи йўқдир. Бундан буёғига уруш қилажакмиз. Мен отимни душманга қараб сураман, ор-қамдан келмаган ўлдирилажакдир!», дея татарларнинг устига юрди. Эски туркларнинг назарида ватанинг қим-мат тутилганлигини бу тарихий воқеа-дан англай оламиз.

Эски туркларга кўра ватан анъана-дан, яъни миллий маданиятдан ибо-рат эди. Қошғарли Маҳмуднинг лугати-да зикр этилган «Улкадан кечилур,

инқирозга йўлиқдилар. Аммо тарих шохидки, Иброҳим, Мусо, Исо, Будда, Конфуций, Муҳаммад қурган — Аллоҳ илхоми билан бунёд бўлган маънавий Ватанлар ер юзидан ҳамон йўқолган эмас. Бу маънавий Ватанлар одамлар қалбиди — бани башар ҳис-туйғулари-да гуллаб-яшнаб турибди.

Муҳаммад алайҳиссалом улуг ислом орқали одамлар қалбига жойлаган Ва-тан — Имом Бухорий, ат-Термизий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Кошга-рий, Яссавий, Гиждувоний, Кубаро, Аттор, Газзолий, Нақшбанд, Жомий, Хожа Ахрор, Навоий, Машраб, Фитрат, Қодирий, Бехбудий англаган, севган Ватан подшоҳлар, амирлар; соҳибқирон-лар забт этган Ватандан буюкроқ, азиз-роқ эканлиги ҳар биримизга аён! Бу буюк зоти шарифларнинг инсоний ко-миллик, маърифат билан эгаллаган Ватанлари қилич ва қалқон билан эмас, тафаккур ва қалб қудрати илохий ил-ҳом билан забт этилган ҳақиқий Ва-тандир! «Ватан — дин, ахлоқ ва эсте-тик гўзалликларнинг бир кўрғазмаси-дир. Ватанимизни теран бир севги би-лан севамиз, у ўша гўзалликларнинг мажмуаси бўлганлиги учун ҳам сева-миз», — дейди турк адаби Зиё Кўкалп.

**М**АЪНАВИЙ Ватанини ардоқ-ламоқ, севмоқ учун қалб ва та-факкур тарбияси зарур. Қалб ва тафаккур тарбиясини унут-ганлар Ҳақиқий Ватандан мосуво одам-лардир! Улар Ватансиздилар! Улар босқинчи, қароқчи, ўғри, ишратчи, ах-лоқсиз кимсалардир! Афсуски, бизда ҳозир Ватансиз кимсалар кўп. Шу боис Эркин Воҳидов ёниб айтади: «Бу Ва-танда бир Ватан қурмоқни истайдир кўнгил».

Бу ватанда ҳақиқий Ватан қурмоқни истаганлар миллий қадриятларни эъзозлаши, маърифат қорбоғига ўзни уриши, она юртининг ҳавосини, ҳар бир гардини, еру осмонини, шу замин мазорларида ётган улуг зотларини улуғлаши, тирик инсонларга эзгулик кўзгуси билан боқини дарқор. Бун-дай кишилар эзгу хатти-қаракатлари; тақвоси, илми-одоби, ҳалоллиги, адо-латлиги билан Ҳақни — Аллоҳни тез танийдилар. Бу макомга эришган ин-сонлар Ватанда беватан эмаслар! Бу

сатрларни битмоқдан муддао шуки, бо-лаларни гўдаклигидан Ватан сарҳад-ларини маънавий жиҳатдан англашга кўмаклашиш, уларни руҳий-маънавий комил қилиб тарбиялаш, Аллоҳни та-ниш, у яратган ноз-неъматларга, у ки-лаётган яхшиликлар ва меҳрибонлик-ларга шукроналар айтишини ўргатиш даркор. Бу ҳақиқий ватанпарварликдир! Қалби, шуури, имон-этиқоди уйғоқ кишиларгина ватанпарвардир.

Ватан муҳаббат ҳақида неча-неча афсоналар битилган. Мана шуларнинг бири: Давлатшоҳ Самарқандий «Газки-рат уш-шуро» («Шоирлар хотирано-маси») асарида ҳикоя қилади:

Амир Наср ибн Аҳмад... Ҳиротга етишгач, бу шаҳарнинг жаннатий ик-лими амир таъбиға ёқиб қолди, ўз пой-тахти Бухоро амира хотиридан тамом кўтарилди. Асли бухоролик бўлган амир атрофидаги баёнлар Ҳиротда узок туриб қолганларидан дилларида юрт соғинчи уйғониб ранжирдилар, лекин ҳеч бир тадбир билан амирни Бухо-рога қайтишга кўндиролмадилар. Шун-дан сўнг устод Рудакийдан ўзиниб сўрадиларки, токи у амирда ўз юртига қайтиш шавқини уйғотсин. Бир кунги амир Бухоро неъматларини ва об-ҳаво-сини тилга олиб қолди. Устод Руда-кий дарҳол битган қасидасини куйлай кетди:

Мўлиён бўйи бўён келмоқдадир,  
Ёдга ёри меҳрибон келмоқдадир.  
Гар дағалдир анчайин Омул куми,  
Лек майин ипаксимон, келмоқдадир.  
Гарчи кенгдир анчайин Жайхун суви,  
От белидан беэён келмоқдадир.  
Эй, Бухоро, шод бўлу таъзимга чик,  
Чунки подшоҳ — меҳмон келмоқдадир.  
Ой агар бўлса амир, Бухоро — осмон,  
Ой чиқиб осмон томон келмоқдадир.  
Сарв агар бўлса амир, Бухоро —  
бўстон,

Сарв бу кун бўстон томон келмоқдадир...

Биз ларча келтирган қасида Ватан ҳақида, унинг бир белгиси бўлмиш Бухоро шаҳрини кесиб ўтувчи Мўлиён ариғи ҳақида эди. Айтишларича, бу қасида амирнинг кўнглида музлаб ёт-ган Ватан меҳрини уйғотиб юборган, ҳатто этигини ҳам киймай амир оши-қиб Бухорога жўнаган экан.

**Х**АР бир инсон ўз Ватанини севиши табиий. Ватанини унут-ган, кўнглида юрт севгиси бўл-маган одам учун бу дунёда муқаддас нарсанинг ўзи бўлмаса керак. Ватанга муҳаббат ота-онага, ака-укага, опа-сингилга бўлган меҳрдан, қишлоқ четигади тепалик, баҳор келганда лол-лар билан тўладиган адирларга, олис-ларда кўриниб турган ва дилларни чор-лаган зангор тоғларга, мактабга бора-диган йўллар четигади ўсган чечак-ларга бўлган муҳаббатдан бошланади.


Маънавий булоқлар кўзининг кирла-ниши, ўк томир-илдизининг жароҳатла-ниши кўнини йўқ кимсаларнинг, «ман-қурт»ларнинг, тайёрга айёрларнинг ур-чишига сабаб бўлади. Ота тили мада-нияти, тарихи ва урф-одатларини унут-ган манқуртлар шу қадар манманки, худбинки, улар ҳеч нарсани тан ол-майдилар ва писанд этмайдилар! Улар Ватанининг, ота-онанинг, дўстнинг, ус-тознинг кадр-қимматини фақат фойда билан, сўм-пул билан ўлча-дилар.

Бундай дунёқараш билан қаёққа-ча борамиз? Улуг китобларда айтилишича, Иймон тушунчасидан сўнг Ватан ту-шунчаси турар экан.

Ватанга муҳаббат таассуфсиз бўлиши керак. Ўз Ватанини севмоқ ўзганинг Ватанини камситмоқ эмас. Ўз халқи-га, миллатига муҳаббат ўзга халққа, миллатга ҳурматсизлик эмас!

Ватанпарвар киши Ватан равнақи, ободлиги, обрўси учун бор куч-қувва-тини сарф этади. Ватан мустақиллиги байрами кунда шуни ният қилайликки, бор куч-қувватимизни Ватан равнақи, обрўи, юксак маърифати ва иқтисоди учун сарф этайлик. Юртимиз боши, халқимиз боши ҳамиша омон бўлсин. Тинч-тотувлик, бирлик бизга Иймон бўлсин! Қурран замин токида тебра-наётган Олтин Беланчак — жонажон Ўзбекистонимиз ҳамиша мустақил маънавий Ватан бўлиб қолсин!

Гуломжон ҒАФУРОВ,  
филология фанлари номзоди.



## ОСОЙИШТАЛИК ҲИМОЯДА



Фозилхон ИХТИЁРОВ,  
Кибрай тумани ички  
ишлар бўлими бошлиғи,  
милиция подполковниги

— **ЎЗБЕКИСТОН** милицияси учун ҳам янги давр бошланди. Истиқлолни жинсий хуружлардан ҳимоя қилиш, ёш мустақил республика фуқаролари хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш борасида бизнинг вазифаларимиз мислсиз даражада ошди. Она юртимизнинг мустақиллик байрами арафасида шуну таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси милицияси бундан буён ҳам ўз халқи манфаати, осойишталигини ҳимоя қилаверади. Миллатлараро тотувликни, гуллаб-яшнаётган юртимиз осойишталигини асрашда кечаю кундуз хизмат қилаётган, ҳозирда истеъфодаги ички ишлар органлари ходимларини улуг айём билан муборакбод этаман. Барчангизнинг оилангизга тинч-тотувлик, осойишталик, саҳат-саломатлик, дастурхонингизга қут-барака тилайман!

## БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР

АБДУЛЛА ИНОМОВ,  
уруш қатнашчиси,  
мудофаа вазири фахрийси

— **МУЙЛАБИМИЗ** сабза урмасдан армия сафига чақирилдик. Уруш бошлангандан салкам икки йил илгари Тошкент молия-иқтисодий олийгоҳида ўқиётганимда хизматни бошлагандим. Қисмимиз гитлерчи босқинчиларнинг биринчи зарбаларига тўғри келди. Дастлабки жанглардаёқ ўнлаб қуролдошларимизни йўқотдик. Оғир чекинчилар бўлди... Сўнгра ярадорлик... Қўлтиқаёқ билан Наманган милициясига раҳбарлик

қилдим. Сўнгра турли соҳаларда ишладим. Ҳозир ҳам баҳоли-қудрат халқ хизматидаман. Айтмоқчиманки, мен сингари етмиш ёшдан ошган авлод вакиллари Ўзбекистонимизнинг бугунгидек истиқлолга эришишини орзу қилиб келган бўлсак-да, лекин шу кунларга етишимиз эрта эди. Парвардигорга минг қатла шукурларким, шу кунларга етиб келдик. Наманганлик кексалар номидан серқуёш республикамиз фуқароларини мустақиллик байрами билан табриклар эканман, уларнинг ҳар бирига оилавий бахт-саодат, жонажон республикамиз камололи йўладаги меҳнатларига унум, ўзларига соғ-саломатлик тилайман.

## ОЛИСНИ ЯҚИН ҚИЛУВЧИЛАР



Олис қишлоқдан келган отахон метрога тушди-ю ҳангу манг бўлиб қолди. Юзлаб чироқлар ёғдуси, саранжом-сарийшталлик, деворларда акс этган қиёфалар...

— Ҳа, отахон, шаҳар сизга ёқдими? — сўради бежирим кийинган аёл.

— Ёқди, болам, ёқди — мамнунлик билан бош ирғади бобо. — Мана шу метрони чинакам ҳайрат деса бўлади. Тошкентнинг у четиде эдим, ўн дақиқада бу четига келиб қолибман. Бунни қурганларга ҳам, ўйлаб топганларга ҳам минг раҳмат!

Бибисора опа отахон билан суҳбатлашиб, кўнгли ёришди. Қувонмай бўладими, ахир. Қуни кеча даҳшатли зилзиладан вайрон бўлган Тошкент бугун ўз қиёфасини тиклаб олди-да. Эҳ-ҳе, бу метро бекатига кимларнинг, қай юртдан келган меҳмонларнинг муборак қадами етмади-я...

Бибисора Буļисова метрога ишга кирган дастлабки ўзбек аёлларидан. Олти ойлик махсус курсни тамомлаб, бекат навбатчиси лавозимида меҳнат қилади.

— Истиқлолга етказганига шукр, — дейди Бибисора Буļисова, — қувончимнинг босиси — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши. Иш юритиш услублари ўз она тилимизда олиб борилаётгани қувончлидир. Ҳозир «Пушкин» бекатининг катта оператори лавозимида меҳнат қиламан. Касбим ўзимга ёқади. Сабаби, одамларнинг узоғини яқин қилишда озми-кўпми ҳиссам бор-да. Бибисора опанинг тим қора кўзларида мукамал бахт ифодаси сезилади. Ёниб-куйиб сўзлашларидан аёлгагина хос куйинчакликни, оналик беҳаловатини сезасиз...

— Бибисора опа, ўлгингиз Туркияда таҳсил кўраркан. Оила аъзоларингиз учун катта бахт бўлса керак?

— Нимасини айтасиз, — қувончдан кўзлари порлайди опанинг. — Ота-бобоси кўрмаган юртни Қаҳрамон кўрди. Шундай юртда таҳсил олиш шарафига муяссар этган мустақилликка шукр.

Бибисора опа оилада бахтли бека. Турмуш ўртоғи Тўра-хон ака заводда цех бошлиғи. Қаҳрамон, Муҳайё, Жаҳонгир исмли фарзандлари бор. Бу аҳил ва тотув оилага ҳаммининг ҳаваси келади. Хонадоннинг файзу баракаси, осойишта турмуш тарзи эса Бибисора опанинг ширинсуҳанлигидан.

Шаҳар кўчалари бўйлаб тунги чироқлар қақнайди. Кун бўйи йўловчиларга тўлиб-тошган метро бекатлари озода, ҳаммаёқ ялт-ялт ёнади. Шундай олисни яқин қилувчилар бор экан, ярим ташвишинг арийди, кўнглинг хотиржам.

«Ишонч» муҳбири.

## ХОРАЗМ «ЗИЛ»И

● **ЯҚИН** орада қадимий Хоразм заминиде иккита автомобиль заводи маҳсулот чиқара бошлайди. Уларнинг биринчиси Дўстлик шаҳрида Германиянинг «Мерседес-бенц» фирмаси билан ҳамкорликда қурилатган оғир юк машиналари заводидир.

Иккинчиси эса Хива шаҳрининг Қосмообод йўлдош шаҳарчасида фаолият кўрсатётган Хоразм автомобиль заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобланади. Мазкур корхона Москва шаҳридаги Лихачев номли автомобиль заводи билан ҳамкорлик асосида ташкил этилди. Бу ерда ҳозир «ЗИЛ» юк автомашиналари учун эҳтиёт қисмлар чиқарилмоқда. Шу билан бирга заводнинг янги-янги цехлари қуриляпти, асбоб-ускуналар ўрнатилляпти. Энг қувончлиси шундаки, Москва «ЗИЛ» заводининг ёрдами билан мазкур маркада юк автомашиналари шу ерда йиғила бошлайди. Асосий комплектловчи қисмлар Москвадан келтирилади.

Бирлашма жамоаси Ўзбекистон Мустақиллигининг икки йиллигини муносиб соғалар билан кутиб оляпти. Бу ерда мустақиллик кун шарафига дастлабки юк автомашинасини йиғишга киришилди.

## ЎЗИНГДА БЎЛГАНИГА НЕ ЕТСИН

● **ЯҚИН** вақтларгача санат моллари, кундалик турмуш учун зарур бўладиган рўзгорбоп буюмлар асосан четдан ташиб келтириллади. Мустақиллик шарофати билан эркин фаолият учун кенг йўл очилди. Республикамиз жаҳон бозоридан ўз ўрнини топишга интилмақда.

Бухоро қурилиш комбинати корейлик санатчилари билан ҳамкорликда «Голстар» қўшма корхонаси барпо этишга киришди. У замонавий телевизорлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Корхона биноси икки қаватдан иборат бўлади. Ҳозир унинг биринчи қавати тайёр. Зарур ускуна ва жиҳозлар тўла келтириб қўйилган. Монтаж ишлари ҳадемай бошлаб юборилади. Қисқаси, савдо тармоқларига Бухоро телевизорлари чиқади-ган кунлар узоқ эмас. Ўзингда бўлганига не етсин!

«Ишонч» муҳбири.

## МАҚСАДЛАР ОЛИЙ

«Давлат мустақиллигига эришилгандан кейин биз ўзимизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлимизни тиклаб олдик, бу эса Ўзбекистоннинг қатъий йўлидир», дейди Президентимиз Ислам Каримов. Мустақиллик ҳар бир инсон, ҳар бир жамоат, ташкилотларга ўзини намоён этиш, ўз йўлини топиб олишига кўмаклашиб, кенг йўл очиб берди. Истиқлол қўлга киритилгандан бошлаб ўз кучимиз, қудратимизга ишончимиз юксала бормоқда. Миррзачўл қурилиш трести қошида Оқ-олтин Гидромелиорация техникумининг ташкил этилганига 25 йил бўлди бугун. Тошкент халқ хўжалиги университети, Сирдарё Ирригация институту тажрибаларини ўрганиб, 1992 йил августда техника фанлари доктори, академик Ёвқочди Ҳайдаров бошлиқ техникум раҳбарияти мазкур илмгоҳни коллежга айлантирди ва гидромелиорация қишлоқ хўжалигини механизациялаш, техник хизмат кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоби бўлимларига қўшимча тарзда тижорат фаолиятини ташкил этиш бўлими ҳам очишга қарор қилди. Ҳозирги кунда халқ хўжалиги учун техник механик, кичик инженер-техник қидирувчи, тафтишчи каби мутахассисликлар тайёрлайди.

— Коллеж усулига ўтилгач таълим-тарбия жараёнида ҳам, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳаётида ҳам ўзгаришлар юз берди, — дейди касаба уюшмаси раиси Мансуров Аҳмад Мансурович. — Меҳнат тарбияси, амалиётга эътибор кучайди. 150 гектар ерга эга бўлган ўқув участкасининг борлиги ўқувчиларда амалий меҳнатни ривожлантириш учун кенг имконият яратиб бериш билан бирга коллеж моддий техника базасига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

— **Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида касаба уюшмаси қандай ишларни амалга оширмоқда?**

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддасида «Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади», дейилганидек Президентимиз ва Вазирликлар маҳкамасининг халқни ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган халқларвар фармонлари, қарорларини астойдил ҳаётга тадбиқ этишга киришганмиз. Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Республика Вазирлар Маҳкамаси, ижтимоий таъминот, меҳнат вазириликлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда тармоқ касаба уюшмалари кенгашиларининг вакиллари иштирокида бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига бағишлаб ўтказган кенгашимизда ҳам касаба уюшмаларининг асосий вазифаси ҳар бир масалага меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан ёндошишдан иборатлиги таъкидлаб ўтилди.

Касаба уюшмалари ҳар қандай шароитда ҳам меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиши керак. Шуларни назарда тутиб коллеж ўқитувчиларининг уй-жойлари хусусийлаштириб берилди. Ўқувчилар 12 турдаги озик-овқат маҳсулотлари ҳамда бепул парҳез таомлар билан доимий равишда таъминланадиган бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиши Давлат концерни қошидаги шифокорлик бўлими ва турли муас-


сасаларда даволаниш, дам олишлари учун йўлланмалар берилмоқда. Бу йўлланмалар оилавий шароити оғирроқ бўлганларга бепул тарқатилади.

— **Ўқувчилар билан касаба уюшмаси аро алоқалар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Ўқувчиларга таълим-тарбия бериш билан уларнинг иқтисодий аҳволига ҳам жиддий эътибор бериш муҳим вазифадир. Олимжон Шерматов деган серғайрат йигит раислик қилаётган ўқувчилар касаба уюшмаси ҳам мустақил фаолият кўрматмоқда. Бирор муаммо туғилгудек бўлса, улар билан ҳамжиҳат ҳал қиламиз. Яқинда ошхонадаги овқатларнинг сифатини текшириш учун биргаликда рейд ўтказдик. Шунингдек, ўқувчилар саломатлигини тиклаш мақсадида турли хил спорт мусобақалари ўтказамиз. Ўқув йилида эришилган ютуқлар кўргазмаси, байрамлар ўтказилишида ҳам ўқувчилар касаба уюшмасига фаол кўмаклашиб тураемиз. Вилоят билим юртларининг техник ижодий кўриғида ҳам коллеж ўқувчилари 40 дан ортиқ турли машина ва механизм лойиҳалари билан қатнашиб биринчи ўрнини эгаллашди. Биринчи ва иккинчи даражали дипломлар олишга эришилди. Касаба уюшмалари ана шу ғолибларни турли мукофотлар билан тақдирлади. Коллеж ўқув-услубий тадбирлар борасида Шаҳрисабз коллежи билан касаба-дош. Шунингдек, ўқувчиларни Туркия, Германия коллежларига ўқишга юборишлар ҳам режаланмоқда. Ўқувчилар шартнома асосида Горький шаҳри, Москва «ЗИЛ» заводларида амалий машғулотлар ўтказишмоқда. Коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари шу кунларда республикамиз мустақиллиги байрамига тайёргарликни қизитиб юборганлар. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, бугунги шароитда миллат равнақи, халқ фаровонлиги йўлида жонини ҳам беришга тайёр фидойи инсонлар, етук раҳбарлар бўлмас мақсадга эришиш қийин эди. Биз бундан ниҳоятда мамнунмиз.

— **Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!**

Суҳбатдош: Насиба АБДУЛЛАЕВА.



АВГУСТ — СЕНТЯБРЬ

30 ДУШАНБА

УзТВ I

18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.  
18.10 Болалар учун фильм. «Бембининг болалиги».  
19.25 Эълонлар.  
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.50 «Мустақиллик одимлари».  
20.00 Эълонлар.  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.25 Эстрада концерти.  
20.55 Эълонлар.  
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
21.30 «Мустақиллик одимлари».  
21.40 Санъат усталарининг концерти.  
22.10 «Кўнгилда Ватан». Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидан тайёрланган кўрсатув.  
22.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига. «Марҳабо, талантлари!». Ўзбе-

кистон Республикаси бадий хаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Экранда — Қорақалпоғистон Республикаси.  
00.25 «Мустақиллик одимлари».

УзТВ II

18.30 «Ассалому алайкум» (такрор).  
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.50 «Буюк ипак йўли», «Шифобахш ўсимликлар». Телефильмлар.  
20.30 «Билиб кўйган яхши».  
20.45 «Ўтмишсиз келажак йўқ».  
21.15 «Армон». Бадий фильм.  
● «ОРБИТА IV»  
5.00 «Якунлар».  
5.45 «Тонг».  
8.00 Янгилликлар.  
8.20 «Тингланг, томоша килинг...».  
8.40 «Роботлар билан ҳазиллашманг». Болалар учун телеспектакль.  
9.50 «Мавзу».  
10.35 М. Пятницкий номли Давлат академик рус халқ хорининг

концерти.  
11.00 Янгилликлар.  
11.20 «Гол».  
14.00 Янгилликлар.  
14.25 «Телемикст».  
15.10 «Ён дафтар».  
15.10 «Иш».  
15.25 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.  
16.00 «Музограф».  
16.20 «Икболи кулганда».  
17.00 Янгилликлар.  
17.25 «Москвага чипта».  
17.45 «Гол».  
18.15 «Ҳафтанинг акс садоси».  
18.45 «Беш қиз Парижда». Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия.  
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.00 Янгилликлар.  
20.25 «Рус балети юлдузлари». Кўп серияли телевизион мусикий фильм премьераси. 9-фильм.  
21.35 «Ҳокимият ҳузурида меҳмонда». Нурсултон Назарбоев.

22.15 «Спорт уик-энди».  
«Янги студия» таништиради:  
21.20 «Бомонд».  
22.30 «Брокер».  
22.35 «Джем-сейшн». Лайза Минелли концерти.  
00.15 «ТВ-Х».  
Танаффус пайтида (23.10) — Янгилликлар.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
7.25 Телевизион меҳнат биржаси.  
7.30 Ишбилармон кишилар даври.  
8.00 «Россияда бизнес».  
8.30 Тонгги концерт. «Эртак қахрамонлари».  
8.45 «Мутлақо махфий».  
9.40 «Параллеллар».  
9.55 Москва Давлат хори ижро этади.  
10.30 Мульт-пульты.  
10.40 Хонаки экран. «Механик Гавриловнинг махбубаси». Бадий фильм.  
12.00 «Россия фермери». Бутун-

жаҳон ярмаркаси. Санкт-Петербургдан кўрсатилади.  
12.30 «Тинчлик ва уруш».  
13.05 Кинокиссалар. «Пётрнинг ёшлиги». Бадий фильм. 1-серия.  
14.15 Мусикий коллекция.  
14.40 «Фортуна» телеканали.  
15.35 Трансросэфир.  
16.10 Мульт-пульты.  
16.15 Янгилликлар.  
16.30 «Бола тилидан».  
17.00—19.15

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
19.15 Душанба куни детектив. «Лаки страйк» таништиради. «МиГ-21». Бадий фильм. «Криминал ходисалар» туркумидан.  
20.10 Камера ўтмишни таъқиқ этади. «Халққа ёт театр». Хужжатли фильм.  
21.00 Туркия телевидениеси.  
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».  
21.30 «Кутқариш хизмати-911».  
22.25 «Формула-1» классида автопойга бўйича жаҳон чемпионати.

31 СЕШАНБА

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».  
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
7.30 «Билиб кўйган яхши».  
7.45 «Ялқов». Мультфильм.  
7.55 Мутахассис маслаҳати.  
8.10 «Ургутда тўй». «Ўзбек-телефильм» премьераси.  
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».  
9.00 Болалар учун фильм. «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак».  
10.20 «Ёшлик» студияси. «Тез-жамкорлик сирлари».  
10.50 «Истиклол илҳомлари».  
11.50 Кўшиқлар ва яллалар.  
12.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги. «Истиклолнинг оқ тонги». А. Икромов тумани меҳнаткашлари билан учрашув.  
13.30 Иккинчи Бутунармия «Солдат кўшиқлари» фестивали.  
16.50 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.  
17.00 Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган Амир Темур ёдгорлигининг очилиши.

18.15 «Чуст жилолари». «Ўзбек-телефильм» премьераси.  
18.30 Болалар учун. «Чамандаги гуллармиз».  
18.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган тантаналар ва сайл. Тошкентнинг Мустақиллик майдонидан олиб кўрсатилади.  
23.00 «Ўзбекистон» ахборотининг махсус сони.

УзТВ II

16.50 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.  
17.00 Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган Амир Темур ёдгорлигининг очилиши.  
18.15 «Чуст жилолари». «Ўзбек-телефильм» премьераси.  
18.30 Болалар учун. «Чамандаги гуллармиз».  
18.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган тантаналар ва сайл. Тошкентнинг Мустақиллик майдонидан олиб кўрсатилади.  
23.00 «Ўзбекистон» ахборотининг махсус сони.  
● «ОРБИТА IV»  
5.00 Янгилликлар.  
5.35 Эрталабки гимнастика.  
5.45 «Тонг».  
8.00 Янгилликлар.  
8.20 Мультфильмлар.  
8.40 «Оддий Мария». Кўп се-

рияли телевизион бадий фильм премьераси.  
9.25 «Дальнегорск — НУЖ базасими?». Телефильм премьераси (Владивосток).  
9.45 «Уик-энд» Суринама кенглигида (ЦНФ).  
10.05 «Инсон ва қонун».  
10.30 Г. Понамаренко кўшиқларини И. Кобзон ижро этади.  
11.00 Янгилликлар.  
12.20 «Спрут-4». Олти серияли телевизион бадий фильм. 4-серия.  
13.00 Янгилликлар.  
14.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси».  
14.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».  
15.10 «Ён дафтар».  
15.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.  
15.40 Мультфильм.  
15.50 Давлатлараро «Останкино» телеканали Қирғизистон телевидениеси кўрсатувларини таништиради: «Шаҳар мусиқаси». Қирғизистон маданий ҳаёти шарҳи.  
16.50 «Технодром».  
17.00 Янгилликлар.  
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали Қирғизистон телевидениеси кўрсатувларини таништиради. Қирғизистон Президенти Асқар Акаев сўзи.  
17.40 Мультфильм.

17.55 «Мулқдор алифбоси».  
18.10 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.  
18.55 «Мавзу».  
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
19.55 Эълонлар.  
20.00 Янгилликлар.  
20.25 «Мен ҳали борадиган манзиллар бор...» В. Молчановнинг муаллифлик кўрсатуви.  
21.30 И. С. Бах. Бранденбургча концерт.  
21.55 «Пепси» стилидаги мусиқа. Жексонлар. Америкача орзу». Беш серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия.  
22.45 Катталар учун мультфильм.  
23.00 Янгилликлар.  
23.35 «Мен ҳали борадиган манзиллар бор...» кўрсатувининг давоми.  
00.40 «Спрут-4». Олти серияли телевизион бадий фильм. 4-серия.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
7.25 Телевизион меҳнат биржаси.  
7.30 Ишбилармон кишилар даври.  
8.00 «45». Публицистик кўрса-

тув.  
8.45 «Дастлабки нусхаси».  
\* \* \*  
11.05 Хонаки экран. «Баҳолар кўйилмаган тонг». Бадий фильм.  
12.10 «Нархини биз кўямиз».  
12.40 «Россия фермери» Бутунжаҳон ярмаркаси. Санкт-Петербургдан кўрсатилади.  
13.45 Кинокиссалар. «Пётрнинг ёшлиги». Бадий фильм. 2-серия.  
14.50 Трансросэфир. «Орол».  
15.35 Янгилликлар.  
15.50 «Рост» студияси. «Мусикий синф».  
16.20 Мульт-пульты.  
16.30 «Тилла шпора».  
\* \* \*

17.00—19.45  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
\* \* \*  
19.45 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 211-серия.  
20.35 «Сизнинг ҳуқуқингиз».  
20.50 Спорт кўрсатуви.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.  
\* \* \*  
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».  
21.30 «Асил ҳолича».  
22.25 «Мусикий синов» таништиради...  
22.40 «Конец ороли».  
22.55 «Мусикий синов».

1 ЧОРШАНБА

УзТВ I

1 СЕНТЯБРЬ КУНИ  
СОАТ 7.00 дан  
2 СЕНТЯБРЬ СОАТ 02.00 ГАЧА  
ЎЗБЕКИСТОН  
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ  
ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН  
ТЕЛЕМАРАФОН ЎТКАЗАДИ.

УзТВ II

1 СЕНТЯБРЬ КУНИ  
СОАТ 18.00 ДАН 2 СЕНТЯБРЬ  
02.00 ГАЧА ЎЗБЕКИСТОН  
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ  
ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН  
ТЕЛЕМАРАФОН ЎТКАЗАДИ.  
● «ОРБИТА IV»  
4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.  
5.00 Янгилликлар.  
5.35 Эрталабки гимнастика.  
5.45 «Тонг».

8.00 Янгилликлар.  
8.20 Мультфильмлар.  
8.50 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.  
9.40 «Қизлар ўртасидаги сир».  
10.00 «Савдо кўприги».  
10.30 «Садовое кольцодаги саройда».  
11.00 Янгилликлар.  
Давлатлараро «Останкино» телеканали Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувларини таништиради.  
11.20 Санъат усталарининг концерти.

Кундузги киноэкспресс:  
12.20 «Спрут-4». Олти серияли телевизион бадий фильм. 5-серия.  
13.50 Мультфильм.  
14.00 Янгилликлар.  
14.25 «Телемикст».  
15.10 «Ён дафтар».  
15.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.  
15.40 «Қизлар ўртасидаги сир».  
16.00 «Парвоздаги уй». Кўп серияли мультфильм премьераси.  
16.30 Давлатлараро «Останкино» телеканали Ўзбекистон

телевидениеси кўрсатувларини таништиради. «Томоша». Болалар учун кўрсатув.  
\* \* \*  
17.00 Янгилликлар.  
17.25 «Ўзбекистон». Ахборот-публицистик кўрсатув.  
17.50 «Миниатюра».  
18.10 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.  
Билимлар кунига бағишланган бадий-ўқув кўрсатувлар.  
19.00 «Бир куни сентябрда». Телерадиофонд жамғармасидан тухфалар.  
19.25 «Кўзгу». Евпаторияда бўлиб ўтган болалар театрлари 11 халқаро фестивали ҳақида.  
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
19.55 Эълонлар.  
20.00 Янгилликлар.  
20.25 «Кўзгу» кўрсатувининг давоми.  
20.55 «Фридрих Барбаросс ва бошқа таниқли кишилар учун спиритик сеанс».  
21.35 «Эклог». Тимур Кабиров — Андерграунд шоири.  
21.55 «Мен сизга айтсам...» Николай Гоголнинг уч сирини.  
22.15 «Кашфиёт». Манзандан Пи-

кассогача.  
\* \* \*  
22.45 «Ҳотира». Вокал туркум. Елена Камбурова ижро этади (1990 й.).  
23.00 Янгилликлар.  
23.20 «Кино талаб қилинади».  
23.50 «МТУ».  
00.50 «Спрут-4». Олти серияли телевизион бадий фильм. 5-серия.  
● «ДУБЛЬ IV»  
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
7.25 Телевизион меҳнат биржаси.  
7.30 Ишбилармон кишилар даври.  
8.00 Христианлар учун кўрсатув.  
8.30 «Параллеллар».  
8.45 «Асил ҳолича».  
9.40 «Мусикий синов».  
10.40 «Сигнал».  
11.00 Хонаки экран. «Бир йилнинг тўққиз кунини». Бадий фильм.  
12.45 «Дехқонларга тааллуқли масала».  
13.05 Ватаним менинг. «Вилоятдан мактублар».  
14.00 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. Нью-Йоркдан

кўрсатилади.  
15.00 Мульт-пульты.  
15.20 Янгилликлар.  
15.35 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».  
16.20 Рус ташрифи. «Русча услубидаги америкача эртак».  
\* \* \*  
17.00—19.25  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
19.25 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 212-серия.  
20.15 «Яклуб».  
\* \* \*  
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.  
\* \* \*  
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».  
21.25 Спорт кўрсатуви.  
21.35 «Кеюша хузурида».  
22.05 «Алоҳида эътибордаги зона». «Шереметьева-2» дан репортаж.  
22.20 «Мстислав Ростропович: «Менинг ҳаётим — бу рус мусиқаси»».  
23.00 Криминал хабарлар экрани.  
23.10 «Мусикий мозайка».

2 ПАЙШАНБА

УзТВ I


6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».  
7.00 «Ўзбекистон» ахборотининг махсус сони.  
7.40 Лирик концерт.  
8.10 «Оқ қарқара», «Қулупнай

ёмғири». Мультфильмлар.  
8.40 «Тошкент». Телефильм.  
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».  
9.00 «Матбуот саҳифаларида».  
9.10 «Темир хотин». Бадий фильм. 1-серия.  
10.15 Болалар учун. «Кичкинтойлар совғаси».  
\* \* \*  
17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.

18.10 «Биринчи кўнгирик».  
18.50 «Иқтисодий ислоҳот — давр талаби». Жиззах вилоятидан.  
19.25 Эълонлар.  
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.50 Эълонлар.  
19.55 «Мусиқа оҳанглари». «Ўзбек-телефильм» премьераси.  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.25 Республикада хизмат кўрсатган артист Қ. Юсупов куй-

лайди.  
20.55 Эълонлар.  
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
21.30 XII чакрик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессиясида.  
23.30 «Туркистон» театрдан ёзиб олинган Катта байрам концерти.  
● УзТВ II  
18.30 Болалар учун. «Табассум».  
19.10 «Зангори қушча». Теле-

фильм.  
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.50 «Сурхон». Телефильм.  
20.00 «Пульс». Хабарлар.  
20.15 «Тошкент» оқшомлари.  
21.25 «Пульс». Хабарлар.  
21.40 Эълонлар.  
21.45 «Кинонигоҳ».  
● «ОРБИТА IV»  
4.55, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.  
5.00 Янгилликлар.



5.35 Эрталабки гимнастика.  
5.45 «Тонг».  
8.00 Янгиликлар.  
8.20 Мультфильмлар.  
8.45 «Уни Аҳмад деб аташди...»  
Халқ кўшиқлари ижроси доғистонлик А. Аҳмедов ҳақида.  
9.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».  
10.00 «Ҳайвонот оламида».  
10.50 «Матбуот-экспресс».  
11.00 Янгиликлар.

12.10 «Спрут-4». Олти серияли телевизион бадий фильм. 6-серия.  
14.00 Янгиликлар.  
14.25 «Телемикст».  
15.10 «Тедди Раксиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.

15.40 «Императорлик мантияси ва унинг эгаси». Илмий-оммабоп фильм премьераси. (Литва киностудияси).  
16.00 «Рок-сабоқ».  
16.40 «Технодром».  
16.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар». Танаффус пайтида (17.00) — Янгиликлар.  
18.00 «Отахон Сергей». Бадий фильм.  
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

19.55 Эълонлар.  
20.00 Янгиликлар.  
20.25 Юмор антологияси.  
21.00 Футбол. Россия чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Спартак» (Москва). «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 2-тайм.

21.50 «Матбуот-экспресс».  
22.00 «АРС». Кечки мусикий қахвахона. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.  
00.15 «Спрут-4». Олти серияли телевизион бадий фильм. 6-серия.

#### ● «ДУБЛЬ IV»

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
7.25 Телевизион меҳнат биржаси.  
7.30 Ишбилармон кишилар даври.  
8.00 Тонгги концерт.  
8.15 «Пилигрим». Россия саёхатлар бюроси.  
9.00 «Шармон-шоу».  
10.30 Россия қобусномаси. «Иван Прянишников». 1-қисм.  
11.00 Хонаки экран. «Санта-

Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 211 ва 212-сериялар.  
12.40 «Дехқонларга тааллуқли масала».

13.05 «Матильда Кшесинская. Мавзу ҳаёллари». Бадий монографик видеофильм.  
14.15 Мультфильм-пульти.

14.35 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади.

15.35 Янгиликлар.  
15.50 «Рост» студияси. «Яшил мактаб».

16.20 «Ватандошлар».

17.00—19.30  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

19.30 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий

телефильм премьераси. 213-серия.  
20.20 «Келинг, аниқлаб олайлик».

20.35 «М-трест».  
20.50 Катталар учун мультфильм.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан сухбатда».

21.25 Спорт кўрсатуви.

21.35 «Мўмин-қобил йўлбошчилар».

22.05 «Агар сени унутсам Қулдус».

23.25 Криминал хабарлар экрани.

23.35 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

### 3 ЖУМА

#### ● УЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».  
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
7.30 «Нафосат олами». Телефильм.  
7.50 Мутахассис маслаҳати.  
8.00 Мумтоз куйлардан концерт.  
8.20 «Отнинг чин сўзи». Мультфильм.  
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».  
9.00 «Темир хотин». Бадий фильм. 2-серия.  
10.05 «Ёшлик» студияси. «Сенинг замондошинг...».  
10.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).  
11.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.  
18.10 «Янги китоблар».  
18.45 «Сихат-саломатлик».  
19.25 Эълонлар.  
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
19.50 Эълонлар.

19.55 Дунё воқеалари.  
20.10 Оқшом эртақлари.  
20.25 Ўзбекистон Давлат телекомпанияси дуторчи кизлар ансамблининг концерти.  
20.55 Эълонлар.

21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
21.30 XII чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессиясида.  
22.30 Таэквандо бўйича Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари чемпионати. «Алпомиш» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган).

#### ● УЗТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

#### ● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар.  
5.35 Эрталабки гимнастика.  
5.45 «Тонг».  
8.00 Янгиликлар.  
8.20 «Лялька-Руслан ва унинг дўсти Санька». Болалар учун телевизион бадий фильм.  
9.30 «Бизнинг ишимиз шунақа». Нефть ва газ саноати меҳнаткашлари ҳақида.  
10.00 «Саёхатчилар клуби».  
10.50 «Матбуот-экспресс».  
11.00 Янгиликлар.

11.20 Америка М. Таратута билан.

14.00 Янгиликлар.  
14.25 «Бридж».  
14.50 «Бизнес-класс».  
15.05 «Ён дафтар».

15.10 «Ҳайвонот оламида». Режиссёр А. Згуриди фильмлари. «Қор одам изидан». Бадий фильм.

16.20 Мультфильм.  
16.30 «Этикод». Святогорск монастыри тарихи ҳақида (Славянск шаҳри).

17.00 Янгиликлар.

17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Россия ва Кавказ».

17.45 «Инсон ва қонун».

18.15 «Америка М. Таратута билан».

18.45 «Мўжизалар майдони».

19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар.

20.25 «Хафтанинг машхур кишиси».

20.40 «Детективлар клуби»да.

«Суини». Ҳн уч серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9-серия.

21.45 «Матбуот-экспресс».

«ВИД» таништиради:

22.00 «Сиёсий бюро».

22.35 «Музобоз».

23.50 «Авто-шоу».

00.05 «Юлдузли тўлқин». Севастополдаги «Обоз» майдончаси

2-қисм. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

#### ● «ДУБЛЬ IV»

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.

7.30 Ишбилармон кишилар даври.

8.00 «Мўмин-қобил йўлбошчилар».

8.30 «Санъат майдони».

8.55 «Дахлсиз Давша». Хужжатли фильм.

9.15 «Оқ қарға».

10.00 Россия қобусномаси. «Иван Прянишников». 2-қисм.

10.30 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 213-серия.

11.20 Мультфильм-пульти.

11.30 «Телемат».

11.35 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади.

12.20 «Дехқонларга тааллуқли масала».

12.50 Россия телевизион театри. Т. Уильямс. «Миссис Стоуннинг Рим баҳори».

13.50 «Ўз-ўзига режиссёр».

14.20 «Рост» студияси. «15 ёшли капитан».

14.50 Янгиликлар.

15.05 Жума кунлари Дисней. «Севги йўл кўрсатади». Бадий фильм. 1-серия.

15.55 Трансроссэфир. «Вилоят».

16.30 «Рек-тайм».

17.00—19.25

**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

19.25 Телеэкранда — премьераси.

«Океан». Кўп серияли бадий фильм. (Италия, АҚШ, Испания). 1-серия.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан сухбатда».

21.25 Спорт кўрсатуви.

21.35 «Кечки салон».

23.05 Репортер. «Ашрам».

23.25 Телеэкранда — премьераси.

«Она бўри». Бадий фильм (Польша).

### 4 ШАНБА

#### ● УЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».  
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
7.30 «Рақс гулдаси».  
7.50 «Дунё воқеалари».  
8.05 «Менинг филлим бўл». Мультфильм.  
8.20 Шифокор маслаҳати.  
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти.  
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».  
9.00 Республика газеталарининг шарҳи.  
9.10 «Махтумқули». Бадий фильм.  
10.35 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».  
11.05 Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига. «Нақшбанд ва мумтоз адабиёт».  
11.50 «Қишлоқ ҳаёти».  
12.20 УЗТВ хазинасидан. Ўзбекистон композиторлари. Ўзбекистон халқ артисти Икром Акбаров.  
13.55 «Бола бошидан». Мактабгача тарбия масалалари.  
14.35 «Ислохот одимлари».

18.00 Болалар учун. «Кўнги-роқча».

18.40 «Гулла, яшна, Ўзбекистоним». Телефильм.

19.00 Таэквандо бўйича Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари чемпионати.

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

19.50 «Наврўз нашидаси». Телефильм.

20.10 Оқшом эртақлари.

20.25 «Оламга саёхат». Кино-кўрсатув.

21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган республика театрлари телевизион фестивали. Хайриддин Султон. «Зарховуз бўйларида». Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилояти театрининг спектакли.

23.50 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

#### ● УЗТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

#### ● «ОРБИТА IV»

5.50 Эрталабки гимнастика.  
6.00 «Матбуот-экспресс».  
6.10 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».  
6.55 Янгиликлар.

7.30 «Спорт-имконият».

8.00 «Марафон-15» таништиради.

8.25 Эфирда «Мир» телекомпанияси.

9.50 «Мулқдор алифбоси».

10.00 «Авиакосмик салон».

10.15 «Бумеранг».

11.45 «Ва яна халқаро телевизион анжуман...».

12.15 «Ҳокимият сиймоси».

12.30 Режиссёрлар В. Краснопольский ва В. Усков фильмлари. «Стюардесса», «Тўринчи дада», «Апрелда ўрмонида».

14.00 Янгиликлар.

14.25 Болалар учун қисқа метражли телевизион бадий фильмлар премьераси.

14.50 «Пул ва сиёсат». Халқаро муносабатлар иқтисодиёт кўзгусида.

15.20 «Эдуард Асадов. Курашман, ишонаман, севаман». Шоир турилган куннинг 70 йиллигига бағишланган хужжатли фильм.

16.00 «Қизил квадрат».

16.40 «Ақли кучук Соня». Мультфильм премьераси.

16.50 «Санъат қасри».

17.40 «Оба-на».

18.10 «Аккерман қалъасидаги бодрезак».

18.50 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Ти Жей Хукер».

Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-фильм.

19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

19.55 Эълонлар.

20.00 Янгиликлар.

20.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Бундан буён ва асрдан асрларга». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-фильм. 2-қисм.

21.10 «Резонанс» студияси таништиради.

21.30 «Брэйв ринг».

22.20 Парижда Л. Паваротти концерти олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

00.35 «Матбуот-экспресс».

#### ● «ДУБЛЬ IV»

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

7.25 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш».

7.55 «Винил чангалзорлари».

8.25 «Мегаполис».

8.55 «Рост» студияси. «Яқунлар», «Бизнинг «Аралаш».

9.25 «Пилигрим». Россия саёхатлар бюроси. «Тибет — афсоналар ва ҳақиқат».

17.40 «Хунарли хор бўлмади».

17.45 Янгиликлар.

18.05 «Матадор». Парижда юксак савиядаги модалар ҳафтаси. 1-қисм.

19.05 Киношарҳ.

19.30 Телеэкранда биринчи марта. «1000 доллар бир томонга».

Бадий фильм.

21.00 «Яқунлар».

21.50 «Рус қошини». Телефильм.

23.00 Янгиликлар.

23.15 Волейбол. Европа чемпионати. Эркаюлар. Финляндия — Россия терма командалари. Финляндиядан кўрсатилади.

24.00 Хоккей. Халқаро хоккей лигаси чемпионати. «Крилья Советов» (Москва) — «Молот» (Пермь). 3-давр. «Крилья Советов» саройидан кўрсатилади.

#### ● «ДУБЛЬ IV»

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

7.25 Хайрли тонг! «Европа плюс» Россия телевидениесининг меҳмони.

7.55 «Чотқол сўмоқларида».

Хужжатли фильм.

10.10 «Москвагача олис».

10.55 Биз севган комедиялар. «Автомобилдан сакланинг». Бадий фильм.

12.25—15.20

**ЎЗБЕКИСТОН**

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ**

15.20 «Омад кулиб боққанда».

16.20 «К-2» таништиради: «Америка юлдузлари».

16.50 «Бедор вахта».

17.00—19.20

**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

19.20 Телеэкранда — премьераси.

«Океан». Бадий фильм. (Италия, АҚШ, Испания). 2-серия.

21.00 Туркия телевидениеси.

21.20 «Юлдузлар билан сухбатда».

21.25 Спорт кўрсатуви.

21.35 «Кўздан гоийб бўлаётган манзара». Лев Анинский кўрсатуви.

22.20 «Каунтдаун». Оммабоп куйлар янгиликлари.

23.15 Стас Намин (Эс-Эн-Си) маркази таништиради. «Сарик сув ости-кемаси» клуби.

23.45 Телеэкранда — премьераси.

«Она бўрининг қайтиши». Бадий фильм. (Польша).

### 5 ЯКШАНБА

#### ● УЗТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».  
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
8.30 Болалар учун. «Тонгги салом».  
9.00 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндисон). 30—31-сериялар.  
10.30 «Ҳаётимиз келажаги».  
11.10 «Мушоира».  
11.40 «Соғлом авлод учун».  
12.10 «Аждодлар мероси — хазина».  
12.40 «Хужжатли экран». «Уз-кинохроника» студиясининг янги маҳсулотлари.  
13.20 Ўзбекистон Давлат телекомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чоғу оркестрининг концерти.  
13.50 «Қизил яримой шўласи».  
14.20 «Истиклол йўлида».  
18.00 «Кучукча ва эскишпилак», «Бахтиёр Григорий», «Сехр-

ли сандик». Мультфильмлар.

18.30 «Саноатимиз одимлари».

Нефть ва газ саноати ходимлари кунига.

19.00 Таэквандо бўйича Осиё

## ДУНЁ БИЛАН ҲАМНАФАС

Жамол КАМОЛ,

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг биринчи котиби

**ЖОНАЖОН.** Ўзбекистон мустақилликка қадам қўйди. Вазибалар, муаммолар беҳад беҳисоб. Ammo орқага қайтиш йўқ. Фақат олға босмоқ керак. Вазибалар, муаммоларнинг энг асосийси Ўзбекистон ўзини дунёнинг ажралмас узвий бир қисми деб ҳис этиши эди. Ниҳоят бунга эришдик. Худого минг қатла

шукурки, дунё манзилларига етгувчи йўллар кенг очилди. Бу йўллар тобора гавжумлашиб бораверади. Ўзбекистон дунёга, дунё Ўзбекистонга кириб келаётганлиги қувончли ҳол. Чунки бу — зарурий, қонуний ва ҳаётий жараён. Биз дунё билан бирга бир сафда кетаверамиз.

Акс ҳолда орқада қолиш, қолақлик ботқоғига ботиб қолиш мумкин эди. Биласиз, дунёдан узилганларни, қолақликка ботганларни дунё аямайди, топтайди, оёқ ости қилади. Яқинда лотин алифбосига ўтишни қувватлаб байнот бердик. Бу жараён бизни дунё билан бирлашишимизга янада ёрдам бера-

ди. Мустақилликнинг бош шiori мустақилликни мустақамлаш — бу энг асосий вазифа.

Мустақиллигимизнинг шонли икки йиллиги шонли йилликлар, юз йилликларини бошлаб келаверади, деган умиддамиз.



ҲАМРОҚУЛ РИЗО

## БОҚИМАН-ДАЛИК — БОЙИТМАС...

Тўрт томонга ўзни ураверма кўп, Магар узоқ бўлай десанг миннатдан. Момо Ҳаво текин олмани тишлаб, Ҳайдаб чиқарилган, ахир, жаннатдан.

Кенгликда офтобга тутиб тўшини, Нурлар оқимидан пишади хурмо. Пахса деворларга урди бошини Боқимандалардан дод деган КУБРО.

Текинхўрга қарши борганлар ҳар гал Румийдек юртининг гамхўри эди. Цезарь ўз қонига бўялган маҳал, Боқиманда Брут завқланган эди.

Мулки Туронзамин азоб чеккан дўм, Фарёд солди кўкда умид турнаси. Боқиманда эди Чингиз, Боту ҳам, Ва босқинчиларнинг барча-барчаси.

Билсанг, бу тоифа зарпечак бўлур, Барча гийҳларни бўғиб ташлайди. Иш жойида хомуш, индамай юрур, Лек овлоқда бўҳтон тўқиб ташлайди.

Ушанда ҳамият қочар йироққа, Рангларим бўлмасин дея-зафарон, Кема урилгандай тошли қирғоққа, Қалқиб кетар шу зум меҳнаткаш инсон.

Донолар ушбунни айтганлар такрор: «Лоқайдлик одамни кўмади гўрга». Ен дафтарда отам айтган сўз бор: «Бепарво бедана илинар тўрга».

Дафтарингга келиб қўнади офтоб, Яхши ният учун тутсанг кундалик. Инсон форзандини айлаган хароб, Унинг руҳидаги боқимандалик.

Чечаклар баргида шабнам сузади, Лек экинни экиб бермайди кўкдам. Ким тўйгазиб уни ким кийгазди, Юртида меҳмондай яшаса одам.

Узинг жавоб бергин менга, эй эгам, Текинхўрлик банди қонида борми? Ҳеч қачон жонингни қийнама, бўтам, Деган тунд ақида йўлида ёрми?

Айтинг-чи, шу ҳолат инсон боласин. — Айланганмикин текин томоққа? Бундайлар ололмас рақиб қалбасин, Бундайлар қолдирмас бахт сўрамоққа.

Захарли туманга айланса тунинг, Азобдан қисилар юрак қафаси. Текинхўр касларга қолса гар кунинг, Билгинки, боймас юрт хазинаси.

Шунчаки еб-ичмоқ касали кетса, Тоза саодатдан айрайди Ваган. Аҳли эл тонглардан бахтини кутса, Ҳар қарич тўпроқда ўсар бил, гулшан.

Заҳматкашлар элни айлағай обод, Элига бахш этиб дилда имконни. Фақат, садоқатли, фидокор авлод Дунёга танитар Ўзбекистонни.

КУНЛАРНИНГ бирида Мадмуса оиласини боқиб қаердан беш-ўн сўм пул топишни ўйлаб, боши қотиб, остонада ўтирар экан. Бир неча отлик ёнидан ўтиб қолибди. Улардан башанг кийингани тўхтаб, Мадмусани саволга тутибди:

— Нимани ўйлаяпсан?

— Шу замонда нимани ўйлаш мумкин, оқсоқол, тирикчиликни-да. Сизга ўхшаб башанг кийинолмасам, тагимда отим туғул эшагим йўқ, ҳатто. Худого ҳайронман, бировга қўшқўлаб берар экан, бировга бўш қўлаб, шу ҳам инсофданми?

— Ҳаммининг ҳам феълига яраша-да...

— Қози калоннинг феъли меникидан яхши эканми?

— Қози калонда нима домангирлигининг бор, арпангни хом ўриб қўйганмиди ё?

— Арпам бўлса хом ўради-да. Бўлмаса нимани ўради? Дарвоқе, илоннинг ҳунари заҳар сочиш дегандай, эшитишимча қийратмаган одами йўқ эмиш унинг! Бойни сийлаб, нуқул камбағални қийратади, дейишади. Бунақа жаллод феъл бўлиб, пулдор бўлгандан кўра худонинг қаҳрига учраб ўлгани яхши эмасми?

Унинг бу гапларидан хавотирга тушган бошқа отликлар Мадмусага имо-ишоралар қила бошлашибди. Уларнинг қилиқларига тушунмаган Мадмуса нуқул қозини балахонадор қилиб сўкишдан жағи тинмай қолибди.



## ҒИРВОН ХАНГОМАЛАРИ



— Менинг кимлигимни биласанми? — деб сўрабди тоқати тоқ бўлиб, ғазабланган башанг кийингани.

— Йўқ!

— Унда билиб қўй, ўша ахлатга буглаётганинг мен бўламан.

— Қозимисиз?

Мадмусанинг ранги ўчиб, тахтадай қотиб қолибди. Қараса иш чатоқ. Бирон илож топиб вазиятдан қутилиш керак, аксинча боши кетади.

— Э, қози калон, мени кимлигимни ҳам биласанми? — деб сўрабди кейин ақлини йигиб.

— Йўқ!

— Билмасангиз билиб қўйинг. Мен жинниман! Ақлим кирди-чиқди. Бир кунда икки марта ўзгараман. Эрталабдан тушгача эсим жойидароқ, тушдан кейин кўзимга кўринганни бўралатиб сўкавераман, жиним кўтармаганга йўлбарсдай ташлашиб ғажиб ташлайман. Ҳозир соат неча бўлди?

Қозининг атрофидагилар шошиб ёнларидаги соатларини қидира бошлашибди. Қозининг ўзи эса шу жинни билан ади-бади айтишиб, обрўйимни тўкишим бормиди, дея отига қамчи босибди-ю, Мадмуса бир ўлимдан қутилибди.

ИККИТА оёқда аранг турган маст Мадмусанинг эшигига келганда ўзаро баҳслашиб қолишибди.

— Ҳов, анов осмондаги юлдузми?

— Юл-ду-узмас, ой...

— Оббо, о-о-овсарей... Шунақа ма-а-а-ҳалда ой ни-ма қи-ла-лади? Кун-ку у!

— Бе-ко-ор айтибсан — ой!

— Узинг бе-ко-ор айтибсан, у — кун!

— Га-оров бо-оглашамизми?

— Бо-оглашмайман... кун дедимми, кун, гап та-мом, васса-алом!

— Ой!

— Кун!

Уларнинг бақир-чақирларидан уйғониб кетган Мадмуса югуриб кўчага чиқибди.

— Нима гап, нима шовқин?

— Э-э... бро-адар, ростини айтинг, — дебди хурсанд бўлиб улардан бири, — а-анов кўринган ойми, кунми? Манов хумпар нуқул кун, дейди. Ман ой, ой, дейман...

Уйқуси бузилганидан жаҳли чиққан Мадмуса жеркиб берибди:

— Билмадим. Мен бу ерлик эмасман, биродарлар. Яхшиси анави эшикларни тақиллатиб, сўранглар, улар кўндан бери шу мақаллада туришади.

Шундай деб Мадмуса ичкарига кириб кетибди. Бир ордан кейин бошқа эшикларнинг тарақ-туруқ қоқилгани-ю, бутун маҳолла уйқуси бузилиб, шов-

қин-сурон кўтаришгани ҳаммаёқни босиб кетибди.

МАДМУСАНИНГ кўча эшиги олдида эшак минган кимдир оҳ-воҳ қилиб ўта бошлабди. Эшак минганнинг семизлигидан жониворнинг бели букилиб, аранг йўргалаётган эмиш.

— Вой, қорним, вой, ўламан...

— Нима гап, тақсир? — ҳол сўраган бўлибди ундан Мадмуса.

— Э, нимасини сўрайсиз. Бўкиб қолибман. Тўйга боргандим, мастава устига манти, манти устига ош, бирпасдан кейин бўламик, балиқ, жигар, қази-қарта... Орқа-олдига қарамай тушираверибман, тушираверибман...

— Ҳе, ўлинг, туширавермай. Ноинсофлик ҳам эви биланда-е.

— Текин тамоқ бўлгандан кейин кимга инсоф қилишим керак, тўй бошигами? Ёки менинг тўйим-миди, бировники-ку?

— Тўй бировники бўлса — қорин сизники-ку, ўзингизга инсоф қилсангиз бўларди.

— Эй, маҳмадана, кимга ақл ўргатяпсан. Яхши овқат қолгунча ёмон қорин ёрилсин, деган нақл бор-ку азалдан. Ақлинг етдими?

— Э-ҳа, шундай денг? Унда қорнингиз ёрилмай уйгача етиб улгиролармикинсиз, шунисига ақлим етмай турибди-да...

МАДМУСА остонда ўлтирган экан. Унинг олдига терлаб-пишиб, оёғида оёқ қолмаган дўсти Алибой илқиллаб-синқиллаб аранг етиб келибди.

— Ҳўш, Алибой, нима гава, нима ташвиш?

— Э, нимасини айтасан, оғайни, тўй ташвиши, уйланишим керак, биласан. Отамнинг жиниси тутиб, янги гап топиб қўйибди. Эликта Алибойни айтмаганимча тўй тўйдаё ўтмас эмиш. Базми эликта Алибой қизитсин эмиш. Бутун Ғирвонни қидириб, аранг қирқ тўққизтасини топдим. Оёғимда оёқ қолмади. Ammo эллигинчиси йўқ. Нима қилай? Бошимни қаёққа урай?

— Бошни ҳеч ёққа уриш шарт эмас. Эллигинчисини ҳам топамиз.

— Э, тилингга шакар-е! Топ, устингга зар чопон кийгизмасам номардман. Тўйда энг фахрли меҳмоним бўласан, ўла ўлгунимча унитмайман, дуво-сувоинини қилиб, ҳар қанақа хизматингга ўзим камарбастаман. Топ, тезроқ топ, қурбонинг бўлайин. Қани ўша эллигинчи?

— Эллигинчиси — ўзингсан!

— А?

— Ҳа, исминг Алибойми, ахир?

— Э, рост-а! Шунга саводим етмабди-я.

— Бунақа пайтда саводни эмас, ақлни ишлата-билиш керак, оғайни, ақлни!

МАДМУСА ёшлигида жуда шўх бўлган экан. Бировларнинг жўхоризорига тушиб, ҳар саҳар беданага тузоқ қўяр экан. Бедана тутишга берилиб, жўхоризорни пайҳонлаб ташлаётганини сезмас экан. Бунни кўрган жўхоризор эгаси Мадмусани тутиб, адабини бериб қўйишга аҳд қилибди. Йўлини пойлабди. Бир маҳал кўзи тушибди унга. «Ҳа, саними», деб иягини сийпаб қўйибди-ю, айёрлик билан қўлга туширишга аҳд қилибди.

— Мадмусавой, қани, бу ёққа келинг, ўғлим, — дебди тилёгламалик билан. — Келақолинг, яхши йигит, ширин йигит...

— Нима қиласиз? — деб сўрабди бу ерда бир гап борлигини сезган Мадмуса.

— Ҳеч нима қилмайман, ўғлим, яқинроқ келаверинг, жуда қизиқ гапларни айтиб бераман.

Мадмуса ўрнида таққа тўхтаб, дебди:

— Мен жон-жон деб гапингизни эшитардимму ammo катталар билган нарсаларни ёш болалар билиши мумкин эмас-да. Менга шунақа деб тарбия беришган. Кечирасиз, амаки!

Шундай деб у қочиб қолибди. Жўхоризор эгаси эса ҳийласи ўтмагани учун аттанг деб, лабини тишлаганча қолаверибди.

Абдулла САМАД.



Раққоса рақсида, куйчи куйида  
Истиқлол тасвирин чизар бир сулуғ,  
Қулқлар остидан жаранглаб ўтар  
Шўх болалар айтган қизиқ айтишуғ.

Майдонга нур тўлар, қалблар энтиқар,  
Байрам либосига бурканар ўлкам.  
Тарих тилга кирар кўксини очиб,  
Яшна, мустақиллик — абадий кўжлам!  
Зарбуви АЛҚАРОВА.



ТОШКЕНТНИНГ қоқ марка-  
зидидаги кўркем Амир Темур  
хиябонида таъмирлаш ишлари  
ниҳоясига етмоқда. Хиябонга  
олиб кирувчи йўллар раволашган.  
Атрофдаги бинолар шарқона либос  
кийган. Ариқларда зилол сувлар  
шарқираб оқиб турибди. Гулзорларда  
гуллар гулхани ловуллади. Асрий чинорлар  
ҳам бугун гўё яшаргандек.

Хиябон ўртасига ўрнатилган  
соҳибқирон ҳайкали куз кўшининг  
заррин нурлари остидан ярқираб  
кўзга ташланапти. У элни элга қўшган,  
юртни-юртга бирлаштирган, икки азим  
дарё ўртасида буюк Мовароуннаҳр  
мамлакатини бунёд этган — улғу  
саркарда сифатида тасвирланган.  
Амир Темур миниб бораётган тулпор  
гўё янги уфқларни забт этишга отлангандек.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллиги  
байрами шодиёналари биринчи сентябрь  
куни эрталаб буюк бобомиз ҳайкали  
пойидан бошланади. Бунинг

чуқур мазмуни бор, албатта. Боболар  
руҳи бизга мадакор бўлғай, иқбол эшикларини  
очгай.

Соҳибқирон ҳайкали тантанали суратда  
очилгач, Ҳамза номидаги театр санъаткорлари  
ижросида улғу саркарда ҳаётига бағишланган  
янги

риф буюрган меҳмонларимиз иштирок  
этадилар.

Шундан сўнг байрам шодиёналари  
Мустақиллик майдони томон кўчади. Бу ерда  
музыкавий — хореографик театрлаштирилган  
катта томоша намойиш этилади. Албатта  
майдонда бўлаётган

Сайлгоҳ кўчаси билан чекла-  
ниб қолмайди. Мустақиллик кунига бағиш-  
лаб «Туркистон» саройи, Мирзо Улуғбек  
ҳайкали ва бошқа обидаларнинг ҳам  
очириш маросими бўлади. Барча боғ ва  
хиябонларда оммавий сайллар, санъаткорлар  
ва бадий ҳаваскорларнинг чиқишлари,  
қизиқарли учрашувлар, суҳбатлар ташкил  
этилади. Савдо ва умумий овқатланиш  
корхоналарининг ходимлари байрам  
байрам қатнашчилари хизматида бўладилар.

Байрам шодиёналар республикамизнинг барча вилоятларида,  
шаҳар ва қишлоқларида давом этади. Мустақиллик  
куни барча юртошларимизнинг энг азиз  
байрамига айланиши шубҳасиз. Ҳар бир  
хонадон, ҳар бир фуқаро байрам гаштини  
сурсин. Чехраларимизда табассум балқиб  
турсин. Байрам билан бир-биримизни  
табриклайлик, шодлигимизни бирга баҳам  
кўрайлик.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БУЛСИН,  
АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

## ТАБАССУМ БАЛҚИБ ТУРСИН

спектаклдан сахналар ижро этилади. Гир атроф сизга Амир Темур даврини эслатиб туради. Саркарда жанговар юришларга чиққан пайтида ўрнатиладиган чодирларга кўзингиз тушади. Хиябон атрофидаги безаклар ҳам Темур шахси билан боғлиқ воқеаларни ифодалайди.

Хиябондаги тантаналарда тошкентликлар қатори чет эл элчихоналарининг ходимлари барча вилоятларимиздан, кўшни мамлакатлардан таш-

ажойиб шодиёналарни ҳам-  
менинг кўргиси, тантаналарда иштирок  
этгиси келади. Лекин майдон ҳаммани ўз  
бағрига тўла сиғдира олармикин... Шунинг  
ҳисобга олиб Сойилгоҳ кўчасига улкан эк-  
ранли телевизорлар ўрнатиляпти. Мустақиллик  
майдонида бўлаётган шодиёналарни шу  
телеэкранлар орқали бемалол томоша қилиш  
мумкин бўлади.

Байрам шодиёналари фақат Амир Темур хиябони,  
Мустақиллик майдони ва

## «БОҒИ ЭРАМ» ЧОРЛАЙДИ

Бунда шоир айтганидек булбул китоб ўқийди. Бунда  
фавворанинг биллур томчиларида рангин камалак рақсга  
тушади, гулларнинг хушбўйи анқийди, қушлар нағма қи-  
лади... «Боғи эрам» сизни бор гўзаллиги-ю меҳри-таровати  
билан бағрига чорлайди.

Иттиқдош шарофати билан дилимиз равшан тортди,  
унутиладиган қадриятларни, ота-боболар, момолардан ме-  
рос урф-одатларни тикладик. Собиқ «Тельман» номидаги  
дам олиш ва иетириҳат боғи кўпчилик томонидан «Боғи  
эрам» номи билан аталаётганига кўп вақт бўлгани ўй.  
Бироқ, шу қисқа вақт ичида бу ерда жуда катта таъмир-  
лаш ишлари амалга оширилди. Эл-юрт учун савобли, хайр-  
ли ишларга бош-қош бўлинди.

— Рост дунёнинг жаннати шу ерда бўлса ажабмас,  
— дейди боғнинг маданий ишлар бўйича бадий раҳбари  
Неъматжон Дўстхўжаев. — Мустақилликнинг икки йилли-  
ги боғимизда ҳақиқий халқ сайлига айланади. Республи-  
камизнинг кўзга кўринган бадий жамоалари, дорбоз-  
лари, курашчилар одамларга кўнгиллик хизмат кўрсати-  
шади.

«Боғи эрам»нинг таърифи республикамизнинг чекка  
ҳудудларига етиб боргани шубҳасиз. Негаки, бу қутлуғ  
даргоҳда яқиндагина савобли ишлар амалга оширилди.  
Жиззах вилоятининг Дўстлик шаҳридаги дон маҳсулот-  
лари қорхона жамоаси ўз ҳисобидан 9 нафар болалар  
уйи тарбияланувчисига ҳатна тўйини шу боғда ўтказишди.  
Ота-онасиз ўсган йиғит-қизларнинг никоҳ тўйи ҳам қуни  
кеча шу масканда нишонланди. Бу ерда амалга ошири-  
лаётган турли маданий тадбирларда, қурилиш таъмирлаш  
ишларида Мирзо Улуғбек тумани ҳокимиятининг ҳиссаси  
катта.

Байрам тантанаси режиссёр Бахтиёр Сайфуллаев тайёр-  
лаган сценарий асосида зўр шоду хуррамлик билан  
ўтказилади.

«Боғи эрам»га таъриф буюринг, азиз юртошлар!

Н. ҚОСИМОВА.

«ИШОНЧ» газетаси лик байрами билан қалбан  
тахририяти жамоаси барча қутлайди ҳамда уларга си-  
ҳат-саломатлик, юксак хат-саломатлик, юксак  
мухбирлари ва штатсиз ишодий муваффақиятлар  
мухбирларини кириб кела- тилайди.  
ётган улғу айём-мустақил-

● Саҳифалардаги мустақиллик ҳақида ҳикматларни Ўзбе-  
кистон Ҳалқ академияси аъзоси, элшунос олим Билол  
АМИНОВ тайёрлади.



АЗИЗ ва меҳрибон ада-  
жонимиз АРАББОЙ!

Сизнинг муборак тавал-  
лудингизга 47 йил тўлиши  
муносабати билан қалбан  
табриклаймиз. Узоқ умр  
кўринг, бахтиёр кунлар  
йўлдошингиз бўлсин!

Фарзандларингиз ва  
ойижонимиз.

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

АЗИЗ ва меҳрибон она-  
жонимиз МУҲАРРАМ  
АЯ!

Муборак таваллудин-  
гизга 53 йил тўлиши му-  
носабати билан чин дил-  
дан табриклаймиз. Илоҳо  
бахтимизга юз йил яшанг!

Фарзандларингиз ва  
отажонимиз.



ИШОНЧ

БОШ МУҲАРРИР

ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АҚРОМОВ  
(бош муҳаррир муовини),  
Абдуманноп АЛИМБОЕВ,  
Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ,  
Турғунбой МАДИЕРОВ,  
Турғун НАЗАРОВ  
(масъул котиб),  
Абдурасул РЎЗМАТОВ,  
Саминжон СУЛТОНОВ  
(вилоят муҳбири),  
Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,  
Шабот ХЎЖАЕВ,  
Санобар ХЎЖАЕВА.



- Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини 56-52-89
- Масъул котиб 56-52-78

### БЎЛИМЛАР

- Қасаба уюшмалари, социал адолат, иктисодий ҳаёт — 56-82-79.
- Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
- Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-55-85.

### ВИЛОЯТЛАРДАГИ

#### МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Бухорода — 3-50-10
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-39-54;
- Навоийда — 3-52-99;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-64-22;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-87-95;
- Фарғона — 4-28-29
- Урганч — 6-03-40
- Қаршида — 5-33-71;

- Мухарририятга келган қўл-  
ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан  
ошмаслиги лозим) ва суратлар  
муаллифларга қайтариқмайди,  
фойдаланилмаган хатларга жа-  
воб юборилмайди. Тахририят во-  
ситачлик қилмайди. Мақоалалар-  
даги фикр-мулоҳазалар, келти-  
рилган факт ва рақамлар масъу-  
лияти муаллифлар зиммасида-  
дир.

- Газета 1991 йил 21 мартдан  
чиқа бошлаган.



- Сотувдаги нархи 25 сўм.
- ШАНБА кунлари чиқади.
- БОСИШГА 27 августда  
топирилди.

- Навбатчи масъуллар:  
Акмал АҚРОМОВ,  
Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.
- МАНЗИЛИМИЗ:  
700165, Тошкент шаҳри, «Правда  
Востока» кўчаси, 24-уй.
- 65030 нусхада босилди.

- Нашр кўрсаткичи: 64560;  
64561.